

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

27 ИЮН - МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

БИЗ ҲАМИША ОЛДИНДА ЮРАМИЗ

ЮТУҚЛАРИМИЗ ЎЗИМИЗНИКИ...



Оммавий ахборот воситаларини "тўртинчи ҳокимият", биз - журналистларни эса элдан фикрда, дунёқарашда бироз олдинда юрадиган одамлар, дейишади. Бундай муносабат бизни қувонтиради, албатта. Аммо шу таъриф-тавсифларга муносибимизми, деган масала ҳам борки, бу тўғрида ўйласам, ўйласак, барчамизда бир қониқмаслик ҳис-туйғуси ўйғониши табиий.

Шаҳсан менинг назаримда, биз журналистлар ҳамон эски, шўро даврига хос - юқоридан кўрсат-

малар кутиб яшаш ва ишлаш, ортиқча ҳадиксираш одатларидан қутулолмай келаётгандаймиз. Биз ўз ичимиздаги бундай маънавий тўғноқлардан ҳалос бўлсаккина, матбуотимизга нур, ҳаёт, ҳақиқат кучлироқ киради. Газета ва журналларимиз эркин, дадил, мустақил фикр ва қарашлар манбаида гуллаб-яшнайдимиз. Оммавий қизиқарли нашрларга айланади. Хатто уларга дунё микёсида эътибор пайдо бўлиши ҳам шак-шубҳасиздир.

Хаёт биздан шуни кутаяпти. Президентимизнинг: **"Ютуқлар ўзимизники, муаммолар тўғрисида гаплашайлик"**, деб тез-тез тақдорлаб турадиган фикри - матбуотга, оммавий ахборот воситаларига ҳам йўлланмадир.

Касб байрами кунинда ҳамма касбдошларимга ёрқин журналистик тақдирини ва бахтини тилаб қоламан.

Михли САФАРОВ,
"Халқ сўзи" газетаси бўлим муҳаррири,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Оммавий ахборот воситалари ҳар бир киши ўз фикрини ифода эта олишига имкон берадиган эркин минбар бўлиши керак!

И. КАРИМОВ



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси нашри — «Халқ сўзи» газетаси таҳририятида шодиёна лаҳзалар... Бош муҳаррир Аббосхон Усмонов «Народное слово» газетаси масъул котиби М. Егоровни байрам билан табрикламоқда.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ
фотоси

ИМКОНЯТЛАРИМИЗ КЕНГАЙМОҚДА



Ўзбекистон Миллий матбуот маркази фаолиятида хорижий ва ўзбекистонлик журналистларга ахборот олишларида кўмаклашиш асосий ўринлардан бирини ташкил этади.

Марказимиз ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий соҳалар бўйича мутасадди раҳбарлар ва мутахассислар билан журналистларнинг бевоқифлик муроқотларини ташкил этади, ахборотлар беради, суҳбатлар ўтказиши. Биз шунингдек, жаҳоннинг илғор мамлакатлари — АҚШ, МДХ, Япония, Россия матбуот марказлари ва клублари билан алоқа ўрнатганмиз.

Фото, видео, миллий нашриёт хизматларини йўлга қўйишни ҳам ружулаштиряймиз. Марказимизда шу кунгача 150 дан зиёд матбуот анжуманлари, семинарлар ўтказдик. Ком-

пьютерларимиз "Интернет" тармоғига уланган бўлиб, журналистлар дунёнинг исталган мамлакатидан ўзига керакли маълумотни олиш имкониятига эгадирлар.

Байрамимиз муносабати билан заҳматкаш, меҳнаткаш ҳамкасбларимизни чин дилдан муборакбод этаман.

Амиркул КАРИМОВ,
Ўзбекистон Миллий матбуот маркази бошлиғи

БИЗ КУТГАН КЎРСАТУВ



Ўзбекистон телевидениесининг "Тўртинчи ҳокимият" кўрсатуви нафақат матбуот ходимларининг, балки кўп сонли томошабинларнинг ҳам сеvimли ва ҳар гал интиқиб кутадиган кўрсатувларидан бири. Бу кўрсатув орқали республикамизда чоп этилаётган нашрлар, радио, телевидение соҳасидаги янгиликлар, муаммолар-

дан хабардор бўламиз. Кўрсатувнинг зукко ижодкорлари ҳамиша долзарб мавзулар устида тинимсиз изланишади.

Суратда: "Тўртинчи ҳокимият" кўрсатувининг муҳаррири ва бошловчиси Норқобил Жалил, оператор Ёрдамчи - Расулжон, моҳир оператор Тўхтамурад Мирзахарамов навбатдаги кўрсатув устида ишлашяпти.

ХАЛҚ ИЧИГА ЧУҚУРРОҚ КИРИШИМИЗ КЕРАК

Ўзбек журналистикаси эндиликда жаҳонга чиқмоқда. "Интернет" эса унинг янада юксалишига катта улуш қўшапти. Олий Мажлисида журналистикамизнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш, журналистларнинг ахборот олиш имкониятларини кенгайтириш ва хатто уларнинг махсус текширувлар олиб боришлари учун барча имкониятлар яратилган қатор қонунлар қабул қилинган нур устига аёло нур бўлди.

Эндиликда ўзимизнинг халқаро журналистларимиз етишиб чиқмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, ўзбек журналистлари 1993 йилдан буён Миллий мат-

буот кунини нишонлаб келишяпти. Ана шу хайрли тадбирнинг ўзиёқ журналистикамизнинг руҳига руҳ қўйиш билан бир қаторда унинг миллийлигини таъминлашда катта аҳамият касб этди.

Аммо очигини айтиш керакки, журналистларимиз кўпинча халқ ичига чуқурроқ киришолмапти, бугунги муаммоларни чуқурроқ очишолмапти.

Лекин изланса обуначилари кўпаяётган нашрлар ҳам бор. Шулардан бири — "Оила ва жамият" газетаси. Тўғри, баъзан газетангизни танқид ҳам қилиб туришяпти. Аммо муҳими уни ўқувчиларга маъқул келганида. Пайтдан фойдаланиб мен жамоамиз но-



мидан барча ҳамкасбларимизни байрам билан қутлайман. Илоё, сиз ишлаган нашрлар доимо қизиқарли, ўқимишли, сермазмунлиги билан ажралиб турсин.

Анвар ЖЎРАБОВ,
"Марказий Осиё маданияти" Халқаро газетаси бош муҳаррири

РИЗҚ-РЎЗИМИЗ БУТУН БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги нишонланаётган ушбу йилда хўжалигимиз деҳқонлари фидокорона меҳнат қилиб галладан мўл ҳосил етиштирилишига эришиши.

Хўжалигимиз галлакорлари давлатга 1334 тонна галла сотиб, режани 6 иш кунинда 101 фоизга бажардилар.

Бу борада айниқса туман ҳокимлигининг

бошоқли дон экинларини етиштиришга бўлган юксак эътибори ютуқларимизнинг омилли бўлди.

124 та оилавий пудратчига шартнома асосида ер тақсимлаб берилиб, иш юритиш чек усулида ташкил этилди. Минерал ва маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланиш, шарбат оқишиш ишларига алоҳида эътибор қаратишимиз юқори ҳосил етиш-

тириш имконини берди. Бу улкан хирмони яратишда "КЕЙС" комбайнлари билан куну тун ишлаган комбайнчилар Аҳмаджон Жўраев, Ҳабибулло Абдувалиевларнинг ҳиссаси катта бўлди. Оилавий пудратчиларимиздан Эркинбой Асатов, Дониёр Обидов, Муроджон Ханаев каби кўплаб пудратчилар 60-65 центнердан ҳосил олдилар.

Биз қолган галла ҳосилини ҳам нес-нобуд қилмай қисқа мuddат ичида йиғиштириб олиб, туманимиз ва вилоятимизнинг

Ғалаба зафарномаси

улкан галла хирмонига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўйишни ният қилганмиз.

Бу бизнинг Мустақиллигимизнинг 10 йиллигига муносиб совғамиз бўлади.

М. ИБРАГИМОВА,
Наманган вилоят, Поп тумани
"Машъал" ширкат хўжалиғи бошқаруви раиси

БИЗ ҲАМИША ОЛДИНДА ЮРАМИЗ

ШОГИРДЛАРИМ КЎПЛИГИДАН ФАХРЛАНАМАН



Кўп йиллардан буён талабалар билан, яъни бўлажак журналист ёшлар билан ишлайман.

Бу йиллар орасида кўплаб етук журналистлар, таржимонлар етишиб чиқди. Уларни юртимизда чоп этилаётган барча матбуот нашрларида учратиш мумкин. Шогирдларимнинг иши, ижодини ҳамisha кузатиб бораман. Муваффақиятларидан кўнглим кўтарилади. Дарвоқе, журналистика - бу кутлуг, муқаддас минбар. Журналистларимиз ўзларига берилган бу минбардан ўз вақтида ва ўз жойи

ида фойдаланишлари зарур. Бу ҳақда президентимиз: **“Одамлар матбуотга, радио ва телевидениега катта умид билан қарайдилар, кўнгилларини очадилар, уларни ҳаётда энг зарур, энг содиқ дўст, ҳамроҳ сифатида қадрлайдилар”,** - деб ишонч билдирдилар. Газеталар эса кундан-кунга кўпаймоқда. Уларнинг йўналишлари ҳам турлича. Бу эса рақобатдир. Рақобат журналистнинг қаламини чархлайди ва курашчанликка ундайди. Журналистнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратадиган давр олдида туриб-миз.

Менинг йиқилса-да кураги ерга тегмайдиган забардаст, тили ҳам, қалами ҳам бурро шогирдларим зафарларга ёр бўлиб юришларини истайман.
Б. ДЎСТҚОРАЕВ,
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети кафедра мудири

ЙЎЛЛАРИНИ ЯХШИ КЎРАМАН



Исмда тақдирга ишора бор, дейдилар. Айтишларича, туғилишда ҳам шундай ишора бўлармиш. Эҳтимол, бу хилдаги нуқтаи назарлар кимгадир чўпчакдек туюлар. Мен эса ўзим жонли мисол бўлганим учун бу гапларга ишонаман. Аслида менинг ота-отам Ташкенти азимнинг қок ўртасида - Шайхонтоҳур даҳасида яшаган. Аммо мен Оққўрғон туманида дунёга келган эканман. Гап шундаки, отам Шарофхўжа Кори-ни Оққўрғон туманига ишга юборишган экан. Шунинг ош-овқатига 15 ёшли катта олам Нафиса қараб турарканлар. 1946 йилнинг қиш чилласида ойим бирдан безовта бўлиб қолибдилар.

- Бориб хўжайинимдан бир хабар олиб келмасам бўлмайди. Нафисахон ҳали бола-да барибир, - деб йўлга тараддулланибдилар.

- Вой, ой-кунингиз яқин, йўлда бир нарсга бўлиб қолса, нима қиласиз? - деб яқинлари хавотир олишса ҳам ўз билганларидан қолмабдилар.

Ота-онанинг танишиб, қовушишига сабаб бўлган Хошим-жон тоғам онамни аяб бирга йўлга чиқибдилар. Йўлда бирдан дард бошланибди. Ойимнинг ахволини тушунган тоғам етиб борган кишлоқларидагидуч келган эшикни қоқибди. Эшик очган кишилар ортиқча изоҳларсиз онамнинг ҳолини тушунибдилар. Дарров ичкари уйга олиб, печка ёқибди, иссиқ чой тутушибди. Бирпасда

чинкириб чақалоқ дунёга келибди. Оққўрғон туманидаги Озод жамоа хўжайинининг Қўрғонча кишлоғида, самимий, одамохун инсонлар орасида дунёга келган қизалоқ мен эканман.

Тонгда йўлга чиқишлари билан, “Виллис” машиниси келиб тўхтабди. Ҳайдовчи ёнидаги ба-савайт бир киши онам, тоғамни машинага таклиф қилибдилар. Йўл-йўлақай воқеани эшит-гач:

- Ие, бизнинг кишлоқда туғилибди-да, қизалоқ. Энди у биз-никиям, исмини Ҳафизахон қўйинглар. Рафиқамнинг исми Ҳафиза. Жуда ажайиб бека, меҳрибон она. Шейриягга қизика-ди, - дебди ўша киши. “Виллис” бир чиройли иморат ёнида тўхтагач, эгаси қорозга нимадир ёзиб, онамга тутказибди.

- Биздан Ҳафизахонга совға, - дебди.

Хуллас, бу “Виллис” туман раҳбарининг машиниси экан. Онам ўша хат бўйича, 10 метр бума-зий ва шунча сурп олган экан-лар. Кейинчалик онам:

- Сен туғилган захотинг мартабаси улуг инсонлардан муко-фот олгансан, мартабанг улуг бўлади, - дер эдилар.

Улғайдим, тақдир менга жур-налистлик касбини раво кўрди. Доим йўлдаман. Бугун бир жой-дан сафардан келиб, эрта бо-шқа жойга отлансам, турмуш ўртоғим:

- Йўлда туғилгансиз-да, йўл ча-қириб туради, - деб қўядилар. Уша киндик қоним томган ҳовли - Оққўрғондаги саховатли оила эгаларини доим миннатдорчи-лик билан эслайман. Онаизо-жоним иссиқ уйига таклиф эт-ган инсонларни бағримга бо-сиб, қайта-қайта раҳматлар ай-тгим келади. Ва шундай бағри кенг халқнинг фарзанди эка-нимдан ҳамisha фахрланаман.

Ҳафиза ХАЙИТМЕТОВА,
Ўзбекистон телевидениеси бо-лалар ва ўсмирлар бош муҳарририятининг катта муҳаррири

ҚАЛАМ ТУТГАН КЎЛИНГИЗ ТОЛМАСИН!



Неча йиллик меҳнатим давомида шунга ишонч ҳосил қилдимки, бу касбнинг машаққат-ларига ҳамма ҳам чидаш бе-

равермас экан. Ахир бир пар-ча хабарни ҳам халққа маъкул бўладиган қилиб ишлаш учун баъзан соатлаб бош қотириш керак. Бугун қилни қирқ ёриб тушни кунга улаб ишлаётган меҳнаткаш, мухтарам ҳамкасб-ларимизни муборак байрам-лари билан чин дилимдан та-бриклайман.

Эзгу умидлар билан қалам тутган кўлларингиз асло тол-масин, азизлар!

Исмаи ХУШЕВ,
«Ҳамкор» - «Деловой партнер Ўзбекистана» газетаси бош муҳаррири

КАСБИМ ТУФАЙЛИ ҲУРМАТ - ЭЪЗОЗ ТОНДИМ

Фотомухбирлик касби сеҳр-гарликка ўхшайди. Одамлар суратга кўп тушишади. Ҳозир сураткашлик ҳам кўп. Улар одамларни у ёки бу қиёфага турғизиб суратларини “чик” эт-казиб олиб қўйишади, холос. Бирок матбуотда, яъни газетада ёки журналлар учун сурат ола-диган мухбирларнинг иши бу-тунлай бошқача. Биз акс эттир-ган лаҳзалар ҳам долзарб, ҳам чуқур маъно англатмоғи ўзим. Бу эса фотомухбирдан ўза зук-коликни талаб этади. Умрим-нинг 45 йилини бағишлаган фотомухбирлик касбимни жуда севаман. Энг муҳими, шу кас-бим туфайли республикамиз-нинг мен бормаган бирон гўша-си қолмади, ҳисоб. Қанчадан-қанча меҳридаре, истараси иссиқ одамлар билан таниш-дим, дўстлашдим. Ўзим ишла-ётган жамоада ва халқимиз орасида ўз ҳурматим, иззатим бор. Инсон учун бундан ортиқ бахт борми аслида... Олти на-фар фарзандимни фотомух-бирликнинг ҳалол маоши билан улғайтирдим. Аллоҳга минг шукрки икки ўғлим Баҳоидир



билан Омон ҳам сураткашлик касбини танлашди. Уларнинг ўз шахсий “Фото” салонлари бор. Ўзбекистонда фото санъ-атнинг янада ривожланиб, дун-ёга танилишини истайман. Фурсатдан фойдаланиб рес-публикамиздаги барча матбу-от ходимлари ва фотомухбир-ларни қутлуг байрамлари бил-лан табриклайман.

Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ,
“Халқ сўзи”, “Народное слово” газеталари фотомухбири

ОМАД ЁР БЎЛАВЕРСИН



Зухраҳон Шокирова “Маъри-фат” газетасида, “Мактабгача тарбия” журналида кўп йиллар ишлади. Зухра опа бугун “Бошлангич таълим” журналида бош муҳаррир.

- Ҳаммамизга юксак ижодий муваффақиятлар ёр бўлавер-син, - дейди Зухраҳон опа.

ДАДИЛ, ЖУРЪАТЛИ БЎЛАЙЛИК

Юртимизда кейинги пайт-ларда истиқлолимиз шарофа-ти билан нашрларимизнинг сони кўпайди. Уларда ишла-ётган зукко, билимдон, чидам-ли журналистларимиз ҳам анча. Чидамли дедим, бунинг замирида ҳам гап кўп. Баҳоли қудрат маош, жиндек қалам ҳаққи билан бир оиланинг каму-кўстини қоплаш муам-моси ҳам бор-да бўёқда. Шунинг эплаштирилмай бу со-ҳадан кечиб кетаётганлар ҳам йўқ эмас.

Шахсан ўзим эса газетачи-ликдан кечиб кета олмасам керак. Очигини айтсам, ҳали кўнглимдагидек мақолани ёз-магандекман. Кўнглимдагидек нарсани ёзиш учун сал дадил-роқ, журъатлироқ бўлишимиз



керак, назаримда. Матбуотнинг машаққатли майдонида қолиб, қийинчи-ликлардан қўчмай ишлаётган журналистларимиз бор бўлсин!

Турсунали АКБАРОВ,
“Хуррият” газетаси муҳбири

ЭРКИНЛИКНИ АНГЛАШ МАШАҚҚАТИ



Истиклол йил-ларида матбу-отни эркин-лаштириш бо-бида кўп ишлар қилинди. Кон-ституциямизда матбуот эркин эканлиги, цен-зурага йўл қўйилмаслиги кафолатланган. Журналист фаолияти, ахборот олиш ва чоп этиш ҳуқуқига оид қонунлар бор. Аммо улар қўнғилдагидек ишлаётгани йўқ. Бунинг сабаби-ни эса ўзимиздан изламоғимиз керак.

“Ҳақ берилмайдур, ҳақ олинур”, - деган эди мутафаккирларимиздан бири. Эркинлик ҳуқуқига монанд эркинлик истиғи ҳам бўлмоғи керак.

Табиики, бугун биз эркин фикрлаш ва ёзишни кимдан ўрганмоғимиз ло-зим, деган савол ҳам кўндаланг туриб-ди.

Дунёдаги мутараққий мамлакатлар-дан оддийгина нусха кўчириш ва ўсиш даражамизни уларнинг қолипига соли-либ ўлчаш керакми? Йўқ, албатта. Дав-латимиз раҳбари ўқтиганидек, биз-нинг ўзимизга хос, ўзимизга мос йўли-миз бор ва биз ўша йўлдан қатъият билан олдинга интиламиз.

Шу мулоҳазалар асосида ўзим иш-лаётган “Қишлоқ ҳаёти” газетаси таҳ-ририяти жамоасининг бугунги изла-нишларини мушоҳада этадиган бўлсам, бизнинг ширимиз маърифий дунё - журналистика соҳасида эриш-ган мезонлар юксаклигига интилиш билан бир қаторда қуруқ ва балан-дарвоз услублардан пастроққа тушиш, яъни содда, тушунарли, халқчил қилиб ёзишга, оддий меҳнаткаш инсон ҳаётига, унинг қалбига ақинроқ бо-ришга интилишдан иборат бўлмоқда. Зеро, жамиятимизда, инсон фаоли-ясида, турмушида, онгида юз бераёт-ган эврилишларни бўямасдан, холи-сона кўрсатиш, таҳлил этиш, муаммо-ларни дадил кўтариб чиқиш, кўнглин-гдаги гапларни қўрқмай айтга олиш - журналист учун бундан ортиқроқ им-коннинг, бундан кенг ва текис майдон-нинг керагидир, ҳоҳатимиз йўқ. Уша майдонда ким қанчалик қаромат кўрсатадиган эса алоҳида мавзу, ал-батта.

Ҳабиб ТЕМИР,
«Қишлоқ ҳаёти» газетаси бош муҳаррири ўринбосари

ФИДОЙИЛИК КАСБИНИГИЗ

Ахли қалам, ахли дил, Фидойилик касбингиз. Осон эмасдир бу йўл, Ҳақ сўзларда аксингиз. Қалам сизга тиг бўлди, Тигдур ишқинг байроғи. Гулдан нафис кўнглингиз, Гулнинг нафис япроғи. Сиз ёл-ёруғ кунларни, Юртга олиб келгайсиз. Ўн саккиз минг оламини, Қалам билан олгайсиз. Бугун шодлик онидир, Бугун байрам безавол. Сизга улуг тоғлардек, Тилайдурман бахт-иқбол.

Ботир РАМАЗОНОВ,
Ю. Ражабий номли му-сика билим юрти талабаси



(Боши ўтган сонларда.)

Хозирги тўйлар бундан ўн беш-йигирма йил аввалги тўйлардан анчагина фарқ қилади. Бу фарқлардан биттаси шуки, у вақтларда тўй қилувчи нонни иложи борича ўз уйида ёптиради. Тўйдан аввал тандир қурилар, новвойларга бошдан-оёқ сарпо берилар эди. Хозир бу одат қисман Фарғона томонларда сақланиб қолган.

Биз ҳам тўй мавсумида новвой турғим билан (у билан устоздан баравар фотиҳа олганди) тўйларда "гастрол"да юрардик. Баъзан тўйдан-тўйга ўтиб, ҳафтабала уйга келмасдик.

- Сен хамир қилиб тур. Мен ҳозир келаман. - дўстим ховли этагидаги новвойхонадан чиқиб тўйхона томон кетаркан тайинлади, - хамиртурушни бақувватроқ сол, тагин хамир етилмай қолмасин. Наҳорчи ош билан ҳазиллашиб бўлмайди-я!

Бу тўйхона уйдан чиққанимиздан бери тўртинчиси бўлиб, бугун эрталаб келган эдик. Кўни бўйи тўй қайтаришга, хотинларни тоғораларига, киз ошига нон ёпдик. Хозиргина киз оши тугаган бўлса-да, ховли томондан мастона қий-қириқлар эшитилиб турарди.

- Ҳа, дарров қайтдинг, тўйхонада кимлар бор? - хамирга урвоқ сепарканман сўрадим дўстимдан.

- Деярли ҳеч ким, - дўстим оғзини очиб узоқ эснади, - маҳаллани беш-ўнча болалари. Ховлидаги сўрида кимор ўйнаб ўтиришибди.

- Кимор? - ялт этиб дўстимга қарадим, - катта пул тиқишяптими?

- Унчамас. Вақтни ўтказиш учун шунчаки эрмак, - у мазза қилиб керишди-да, бирдан хушёр тортди. Ҳа, айтгандай, пул деганига эсимга тушди. Пуллар сендами?

Нон ҳақида фаройиб ҳикоялар

- Нималар деясан? Пул сенда-ку! Дўстимни ранги бирданга оқариб кетди. Холсизланиб ўтириб қолди. У бир неча кун нон ёпиб толган пулимизни ё тушириб қўйган, ё ўғирлатган эди.

- Тушириб қўйган бўлишинг мумкин эмас, - тўйхона томон кетарканмиз, - энди мен ҳам ховлика бошладим, - қозоғга ўралган пуллар шимингни орқа чўнтагида сиқилиб турган эди.

Пул нақд олти юз сўм эди. Бу пулга қирқ қопдан ортиқ ун сотиб олиш мумкинлигини ўзиёқ, унинг қандай катта қийматга эга эканлигини кўрсатиб турарди.

Айвон олдида уч-тўртта аёллар билан гаулишиб турган ўй эгаси иккимизни кўриб биз томон юрди. Тўй эгаси чама-си қирқ-қирқ беш ёшларда бўлиб, ба-савлат, ўзига тўқ одам эди.

- Нима гап, тинчликми? Бўлган воқеани гапириб бердик.

ЎТДА ЁНМАЙДИ, СУВДА ЧЎКМАЙДИ

- Кимдан гумонинг бор? - у сўридаги йигитларга кўз ташларкан сўради, - хов анави йигит олдинга келмаганми?

Тўй эгаси сўри олдида турган чумчүкдек иччам йигитни кўрсатди. У йигит гарчи карта ўйинини томоша қилаётган бўлса ҳам, бир-икки марта хавотирили нгоҳ билан биз томонга қараб қўйганини пайқадим.

- Ака, аниқ бир нарса дея олмайман, - бўшади дўстим.

Уй эгаси йигитни чақирди.

- Менга қара, Усмон! Пулни олган бўлсанг қайтариб бер. Булар ўзимни укаларим.

- Ўв, ака! Нималар деяпсиз? Бир вақтлар чўнтаккасарлик қилган бўлсам, бир умр тавқи-ланъат бизни бошга ёғилар-верар экан-да. Ишонмасангиз мана, ти-тиб кўринг, - у шимини барча чўнтакларини очиб кўрсатди, - бу укам қўйдек ювощ экан деб, ҳамма айбни менга юклайверманг. Ё тўйингиздан ҳайдаяпсизми?

- Бўлди, кўп шанғиллама, - тўй эгаси уни жеркиб берди. Кейин бизга қараб, деди:

- Гап бундоқ! Сенлар хаёлларингни бўлмасдан кимор ёпаверларинг. Ошни эсон-омон ўтказиб олайлик, у ёғини ўйлашиб кўрамыз...

Тандир тайёр бўлди.

- Мана шу кулни ховлини бурчагига олиб бориб қўй! - дўстим сув сепиб тандирни совутаркан, кўл тўла челака имо қилди. - Ўзи алоҳида турсин. Ичида чўғи

бор-а!
- Эй, Худо. Наҳотки ҳалол толганимиз ҳаромга чиқса, - хаёл суриб борарканман, ичимга чирок ёкса ёримасди. - Ахир у пулни қийналиб толган эдик-ку. Ё бир-онга нопокликка изн бердикмикан?

Шу вақт тақ этган товуш хаёлимни бўлиб юборди. Товуш қўйхона томондан келарди. Ёшлигимдан қўйларга ишқибоз эдим. Челақни қўйдим-да, қўйхона томон юрдим. Қўйхонада куёв томондан келган бўрдоқи кўчқор турарди. Қўй хаф-сала билан боқилган.

Ҳа, дўстим! Сен ҳам кейинги тўйни кўтиб ётибсанми? Қисматимиз ўхшаш: сен ҳам, биз ҳам тўйма-тўй юрамыз. Биз инсонлар ўртасида қўйдек ювощ деган ибора кенг тарқалган. Лекин ўғри фириб-гарлар ҳам баъзан сени терингни ёғини бўлади. Хаёлимга келган фикрдан ҳазин жилмайдим.

Қўй мени кўриб овқат берармикан деган умидда олдимга келди. Уни силамоқчи бўлиб кўл чўздим. У чўчиб бошини кўтарди. Унинг боши зарб билан устунга теғди-да, қўйхона зирқираб кетди. Шунда охурга нимадир "тап" этиб тушди. Не кўз билан кўрайки... у қозоғга ўралган пул эди.

Афтидан, пулни ўғирлаган чўнтаккасар йигит тўйхонадан гоийб бўлиб қолиш бошқаларда гумон уйғотиши мумкинлигини ўғирларга хос зийраклик билан сезган. Шунинг учун ҳам шошиб келганда, кейин оларман деган хаёлда пулни қўйхона тўсинига қистириб кетган...

- Новвойни пули ҳалол бўлади, - устозим овози қулогим остида жаранглагандай бўлди, - у сувда чўкмайди, ўтда ёнмайди.

Бу вақтда тонг ота бошлаган, саҳий қуёш мунаввар нурларни сочлиб истагида одамлар истиқболига талпинаётган эди.

Мана азизлар, сизларни нонни, қолаверса новвойчиликни сирли оламига бирровгина олиб кирдим, холос. Балки қайсидир воқеа ёки ҳолатларни баён этишда гализ жумлаларга ё кўполроқ ибораларга изн бергандирман. Бунинг учун зукко ўқувчидан узр сўраган ҳолда бир нарсани таъкидламоқчиман: ёзганларим барчаси рост ва чин юракдан. Зеро, ҳалқда доно бир нақл бор: "Бугдой нонинг бўлмаса ҳам, бугдой сўзинг бўлсин".

Сўзимнинг сўнггида яна учрашиш насиб этишини Аллоҳдан сўраган ҳолда, сизларга самимий тилагимни билдирмоқчиман.

Уйингиз бугдойга тўлсин, азиз юртдошлар!

Хожимурод АБДУРАХИМОВ



ЎҒЛИМ, СЕНГА АЙТАМАН

Бу катта дунёни иккитагина устун уш-лаб туради - Эркак ва Аёл! Гар бу устунларнинг бири сал оғса, дунё муво-занатини йўқотади, замин зириллайди. Дунёни тутиб туриш - демак, илм ва уни ҳар икки тоифага ўргатиб бо-риш эса ҳам қарз, ҳам фарздор.

Ўғлоним, бахт ва бахтиёрликнинг сони минг битта. Унинг туси ҳам турфа ва сонсиздир. Дарвоқе, бахтиёр-ликнинг ўзи нима? Унинг энг содда таърифи - Қониқиш. Сенга тааллуқли бўлган инсонлар, муҳит ва ишларингдан кўнглинг тўлшидир. Аммо бу дунёнинг ҳисоб-китоби жуда қаттиқ; бермагунингча, ололмайсан! Ҳар бир инсон - иқлим яратувчи манба, ҳур узатсанг, атрофинг чаман бўлади, музлаб турсанг, баҳорини ҳам кишга айлантирасан. Демакки, бахтиёр бўлиш учун аввало ўзингни унга муносиб айла. Бошқача қилиб айтганда, бахт сенга тухфа қилиб берилмайди, сен йўл толиб унинг қошига ўзинг борасан. Ўғлон болам, шу йўлнинг кўмакчи бўлайлик деб, ушбу рисолатни битаяпмиз.

ЎҒИЛ ФАРЗАНД БЎЛИШ ИЛМИ

Бизнинг ўзартариб бўлмайдиган, насл белгисига айланб қолган феълларимиз бордир. Уни тил келиб айтмайдилар, қозоғга битмайдилар. Бу феъл қонимизда айланб юради. Яъни: ота-онага, жи-гарларга садоқат борасида киз бола ўғил болага нисбатан бир неча бор устувор эса-да, гарчи унинг умр деган мураккаб юкни тортишдаги сабру қаноати, чидам-лиги йигитлардан кучли бўлса-да, ўзбек барибир ўғил фарзандни аъло кўради. Ўғил кўрган кўни томирларининг жами чигали ёзилди, ўпирилиб турган қўкси тўлади. Ўғил кўрдим, энди номим ўчмайди, дейди у. Кун келиб қазойим етса, мени ўз қўли билан жойимга қўядиган эгам келди, дея кўнгли тинчланади. Ўғилнинг қўлидан ейдиган нонини энг бебин-нат деб билади. Ўғил туғилиши ота-она-нинг кўксига умид дарахтини экади - энди эшигим ёпилмайди, чирогим ўчмайди, энди қизларимнинг йўловчиси, наси-баларимнинг ҳимоячиси бор деб жони яйрайди.

"Ўғил" деган сўзда умрбахш хосият борлиги ҳақиқат: еттинчи синфдалигимдан бошлаб қўлимдан игна кириб, игна чиқиб, ота-онамни хурсанд қилишга ин-тилардим. Бироз улғайгач, умр йўлдошим-нинг бақамтилигида қўйлар сўйиб, тўйлар қилиб, ўйлар солиб берган пайтларимиз ҳам бўлди. Аммо ота-онам буни сукут билан, ҳазинлик билан қабул қилдилар. Мен кутгандай йайрамадилар. Лекин ўғил ука-гинамни дастлабки маошига олиб кел-ган бир килогина гўштани дадам бир ой таърифлаганлари эсимда. Онамнинг юз-ларидан қуёш чиқиб кетгани, ўғилчасини чаппар уриб эрқалатганлари шундоққина эсимда! Демак, киз боланинг минг сўми-дан ўғил боланинг бир сўми барқали-роқ ва татимлироқ бўларкан. Элнинг "ўғлим берганини ўйнаб ейман, қизим берганини ўйнаб" деганининг маъноси шу экан.

(Давоми бор.)

Турсуной СОДИКОВА

ҲАЁТИМИЗ ҚУЁШИ ЭДИНГИЗ

Отажоним - журналист Рауф ШАРИПОВни эслаб

Дунёда ҳеч бир ота-она ўз фарзандини ёмон кўрмаганидек, фарзандлар ҳам уларни ҳамisha чин юракдан хурматлаб, бошларига қўтаришади. Мен кўп йиллар "Вобкент ҳаёти" газетаси таҳририятида, сўнгра маҳаллий радио муҳарририятида ишлаб каттаю кичикка зиё улашиб, ортидан яхши ном қолдирган отажоним Рауф Шариповни эслаганимда, шу ҳақда ўйлаб қоламан. Бу мўътабар зот тушимда ҳам, ўнгимда ҳам менга раҳаномлик қилаётгандек гўё.

Оилада бизларни - етти фарзандни кўстириб вояга етказган, касб-корли қилган падади бузрукворимиздан жуда-жуда миннатдормиз. Ҳали-ҳануз у кишининг одамийликлари, меҳрибонликларини бот-бот эсга оламыз, борган жойлари обод бўлсин, дея тилак билдирамыз.

Отажим тириклик пайтларида сўянган тоғимиз, мабодо шамол қора булутларни келтириб устимизга ёмғир томчиларини ташласа, бошимиз узра соябон бўлгувчи мустаҳкам қалқони-

миз эдилар. Ҳалқимизда: "Яхшидан боғ қолади", деган пурҳикмат мақол бор. Отажон, сиздан яшнаган боғлар қолганидан ташқари сизни ҳар доим қунур хурмат билан эслаб турувчи садоқатли дўстларингиз, ҳамкасбларингиз борлигидан Аллоҳга шукроналар айтгим келади.

Хотира - муқаддас

Фариштадек покиза ва бегуноҳ эдингиз. Ҳар кўрган кишига яхшилик қилишга интилар эдингиз. Бирок, умрингизнинг охири кунларида, беморлик дамларда кўп азият чеқдингиз. Лекин касаллик ўз забтига олганида, сиз ўлимга жимгина, тикка бордингиз, авжи биз фарзандлар роҳатини кўра-диган пайтда, эллик уч ёшда дунёни тарк этдингиз. Дилингизда эса орзу-умидларингиз мўл эди. Фақат бир нарса бизларга таскин беради. У ҳам бўлса, яхши тилақларингиз, ҳаётдаги ибратингиз ва биз фарзандларга берган қимматли ўғитларингиз.

Отажон! Сиз адабиётни, шеърятни

Шухрат ШАРИПОВ

Бухоро вилояти, Вобкент тумани

Кўнгилсиз воқеа 1999 йилнинг апрел ойи ўрталарида бўлиб ўтган эди. Қўқонлик Вали дўстлари Мамадали, Мулла ва Рустамлар билан Учқўприклик Илхомни "йўқлаб", унинг уйига "мехмон" бўлиб боришади. Илхом шахарлик меҳмонларнинг таширифта камтарона дастурхон ёзади. Аввалига чاقқаклашиб ўтирадилар. Кейин Вали суҳбат мавзусини аста буриб, дўстларининг кўнгилларига қўл солиб кўради.

- Шу ҳам дастурхон бўлдими? - деди у давралоқларига синчковлик билан боқар экан. - Биз ҳам баъзи бадавлат одамлардек "мириқиб" дам олсак бўлмайди? Улардан қаеримиз кам?

- Энди сиз айтгандек дам олишга пул, пул бўлганда анчагина керак-да? - деди хонадон соҳиби дўстларини яхши кутиб олмаганидан хижолат тортиб.

- Бундай пулларни осонгина топишнинг йўли бор. Фақат озгина тер тўкиш, "мехнат" қилиш зарур, - деди Вали кўнчилираб. - Меҳнат қилсак қилаверамиз-да? Йўли қандай экан?

Дўстлар бараварига ана шундай дейишди-да, Валининг яна оғиз жуфтлашини кутишди.

- Уларингга аёнки, бадавлат одамлар мол-дунё, пул, тиллолар тўплашади. Уларнинг ана шундай ортирганларини ўмарсак бўлган! - деб жавоб қайтарди давралоқ дўстларига Вали.

- Қалтис иш-да, - деди Илхом рангичути ўчиб.

Валининг бу гапи дўстларига ёқиб кетди. Кўз ўнгиларидан текин даромаднинг чўғлари кетмай қолди, шунинг учун улардан бири Валини саволга тутди.

- Нима қилишимиз керак?

- Аввал бадавлат одамнинг ўзини, кейин эса уларини аниқлаш лозим. Кейин эса пухта режа тузамиз!

- Билиб қолишса-чи?

- Ярим тунда ишга киришамиз. Одамлар тунда қотиб ухлашади. Қолаверса юз-кўзимизга ниқоб қийиб, пичоқ олиб кирамиз. Мабодо хонадон эгалари уйғониб қолишса, уларга шунчаки ҳамла қилиб кўрқитиб қўямиз. Ана шунда бор бисотларини ўзлари қўш қўллаб бизга тутқизиб қўйишади. Ниқобда бизни ким ҳам танирди?! Мол-мулкни олиб, қочиб қоламиз.

Валининг таклифи Мамадали, Мулла ва Рустамга маъқул тушади. Илхом эса улардан ўзини тортади ва таклифни рад этади.

- Режаларинг ўта қалтис иш. Бу йўлларинг менга асло ёқмайди. Миси чиқиб қолиш турган гап, - деди Илхом тап тортмай. - Қўлга тушиб қамалиб кетишимиз мумкин.

- Кўй энди, бундай совуқ гапларингни, - деди Вали Илхомга. - Қўшилмасанг қўшилмай қўявер! Нима қилсан насихат қилиб!

Мўмай текин даромад топиш илкинда юрган йигитлар Валининг таклифига бажонидил қўшилиди. Кўнамаётган Илхомни ҳам ўз сафларига қўриш учун яна бир бор уриниб кўрадилар. Бирлари қўйиб, бошқалари уни йўдан оздиришга ҳаракат қиладилар. Барибидан меъзон меҳмонларининг гапларига ўчмади. Маслаҳатли ош пийшай қолди. Вали, Мулла ва Рустам бир битимга келишди, хонадон соҳибни Илхом улар сафига қўшилмади. Дўстлар ундан ранжиган бўлиб, ўз уйларига қайтишди.

Илхомни йўлга сололмаган дўстлар кейинги кунни яна Қўқондаги чойхоналардан бирига тўпланишди. Бир пиёла кўк чой бахона кўюк сирли давра суҳбати уюштирилиб ўзаро гурунглашдилар. Суҳбат жараёнида даврага янги қўшилган Қамбарали Шералиевнинг кўнглига қўл солиб кўрдилар: Уни ўз сафларига қўришга ҳаракат қилдилар.

Аммо Қамбарали ҳам худди Илхомдек қалтис ишга қўл уришни ўзига эъ қўрмади. Таклифга қўшилмасдан бош тортиди.

- Босқинчиликка тобим йўқ, - деди Қамбарали дўстларининг раъзини қайтарар экан, - куним ўтиб турибди, қўли менга ортиқчаллик қилади. Чумчуқдек юрагим бор, яна сизларга қовун тушириб қўймай. Валининг бу режаси ҳам амалга ошмади. Уйлаган режани амалга ошириш учун гуруҳга яна бир киши етишмаётгандек эди.

Валининг фикри-хаёли тезроқ текин даромад топиш йўлида бўлиб қолди. Ўз билганидан қолмаган бу йигит ўзи тўзаётган босқинчилар гуруҳига янги кишилар - ишончли дўстлар топиш пайида бўлди. Натижада гуруҳи яна 4 кишига кенгай-тирди: Салим, Абдужаббор, Анвар ва Алини ўз сафларига қабул қилди. Шундан кейин сирли режани амалга ошириш учун тайёрларлик қўриш ишларини бошлаб юборди.

Бир куни Вали гуруҳ аъзоларини тўплаб, уларга бадавлат оилаларнинг уйларини аниқлаб келиш ҳақида топшириқ берди. Гуруҳ раҳбаридан буйруқ олган Салим ва Абдужаббор Валини хурсанд қиладиган хушхабар олиб келишди.

- Маҳалладошимиз Б. Кенжабоев бой экан, - дейишди улар.

Аниқланган маълумотларга асосан ўзига тўқ Б. Кенжабоевнинг уйига босқинчилик йўли билан кириш ҳамда мол-мулкнинг ўмарош йўллари муҳокама қилиб чиқилди. Ҳатто унинг уйлари қандай жойлашгани, эшик ва деразалари қандай очилиши ҳам обдон ўрганилди.

- Энди ишга киришсак бўлаверди. - Бу кеча чўнтақларинг пулга қаппаяди бунди. Ишимиз юришса борми, бир ресторанди мириқамиз, - деди-ю Вали уларга иш тақсимлашга киришди.

- Салим ва Абдужаббор, сизлар қўшнларингни яхши биласизлар. Шу тўфайли

ноқ юзларига ниқоб тутган кишиларни кўрадилар. Бундай тунги шарпалардан зийрак тортган хонадон соҳиблари бақир-ришга тушадилар:

- Ким бор? Ердан беринглар.

Бундай бақир-чақирдан чўчиб кетган босқинчилар ҳовли деворидан энгил ошиб ўтиб, кўча томон қочадилар. Вали эса уларни машинада сабрсизлик билан кутиб ўтирарди. Қуруқ қайтишадиганини кўриб, унинг кўнгли гаш бўлди.

- Ишинг пачавасини чиқаришибди-да?! - деган ўй ўтди унинг хаёлидан.

- Хўжайин ишимиз юришмади, ишқали чиқди! - деди ранг-қутлари учган ҳамтовоқлар. - Бизни сезиб қолишди!

- Майли, бўлар иш бўлибди. Кейинги сафар хушёр бўласизлар. Бу сизларга "уроқ" бўлади, - деди Вали ичда "ёниб" кетаётганлигини дўстларига сездирмаган ҳолда. - Эртага яна ўша уйга тушасизлар, қилган

дадил бўласизлар. Ишларинг ҳам ўнгидан келади. Унчага тунги ишларингга асқотадиган нарсаларни тайёрлаб тураман. Белгиланган жойга ўз вақтида етиб боришми унутманглар.

Вали машинасини миниб ўйи томон йўл олди. Мамадали ва Рустам эса саҳийлик қилган Валининг муруватидан хурсанд бўлиб, у берган пулга "яримта обизамзам" олишди. Аммо уни чойхонада ичгилари келмади. Ана шунинг учун Абдужабборнинг уйига йўл олдилар. Биргаликда баҳам кўришди, бироз дилдан чакқаклашди.

Анча дадил бўлиб олган босқинчилар ярим тунда яна Б. Кенжабоевнинг ўйи томон йўл олдилар. Олдиндан келишқилдан, Мулла ва Рустам бирин-кетин ховлидан девор томон ошиб тушдилар. Хонага бостириб киришмоқчи эди, эшик ичидан қўлқаб қўйилган экан. Ана шунинг учун уйдан бирор кишининг чиқишини, эшикнинг очилишини сабрсизлик билан кутишди.

- Барибир кимдир зарурият билан ховлига чиқади-ку? Қутишимизга тўғри келади, - деди Мулла Рустамга. - Чиққан кишини кўрқитиб... ичкарига кирамиз. - Тўғри айтасан. Бугуна қуруқ қайтсак бўлмайди, - деди Рустам унга. - Тезроқ эшикни очишайди...

Ҳамтовоқлар режаларини амалга ошириш мақсадида ўзлари учун қулай бўлган вазиятни кутишди. Холбуки кечаги воқеадан кейин хонадон соҳиблари бугун хушёр ётишган экан. Улар тунги меҳмонларнинг беҳуш шарапаларини сезиб қолиб, бор овозлари билан жар солишди, бақирди. Бақир-чақирлардан кўриб кетган Рустам чаққонлик билан ховлидаги газ қувурига осилиб, бир зумда кўчага ошиб ўтиб қочиб бўлди. Мулла эса ховлидаги нарвонга чиқиб, энди девор ошишга шайланганида уни уй эгаси оёғидан маҳкам ушлаб олади. Ана шунда қўлга тушишидан чўчиб кетган босқинчи қўлидаги пичоқни бир силтаб, хонадон соҳибига энгил тан жароҳати етказди. Лекин хонадон соҳибига ҳам анвойи эмас экан: босқинчини нарвон билан қўшиб йиқитди ва уни ушлаб олдилар.

Ушбу хабар асосида воқеа жойига етиб келган Қўқон шаҳар ИИБ тезроқ гуруҳи томонидан тезда қолган жиноятчилар ҳам қўлга олинди, улардан жиноят содир этиш қуроллари, ашёвий далиллар олинди, ҳужжатлаштирилди. Босқинчиларга нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари тўлиқ ва сифатли олиб борилиб, жиноят иши судга юборилди.

Қўқон шаҳар суди томонидан Вали Умаров бошчилигидаги жиний гуруҳ аъзолари содир этган босқинчилик жиноят иши кўриб чиқилиб, судланувчиларнинг барчаси узоқ муддатларга озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинди. Ушбу ўта оғир жиноят содир этилгани ҳақида аниқ билгани ҳолда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга хабар бермаган шахслар ҳам қонунда белгиланган моддалар бўйича жиний жавобгарликка тортилди. Ҳақиқат қарор тоғди.

Қонун устуворлиги таъминланаётган мустақил республикамизда нурафон турмуш тарзига доғ туширувчи ҳар бир нопок шахс содир этган қилмишига яраша қонуний жазосини олади. Қонун барчага баробардир.

Жиноятнинг бор тафсилоти шу, холос. Бироқ сўзимиз ниҳоясида яна шунги таъкидламоқ жоиздир. Гарчи муайян оғир жиноят содир этилишида шахсан иштирок этмаса-да, бироқ худди шу жиноят ҳақида аниқ билгани ҳолда хабар бермаган ёки уни яширган шахс ҳам жавобгарликка тортилади. Тажрибалар шунки кўрсатмоқдаки, шундай айбоб билан жавобгарликка тортилганларнинг аксарияти ўзини мутлақо айбиз деб ҳисоблайдилар ва асосиз равишда ҳукми беқор қилишга ваколати бўлмаган идораларга қўл бора мурожаат қилдилар.

Ҳа, қонунчилигимизда оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этилиши ҳақида аниқ билгани ҳолда тегишли идораларга хабар бермаган ёки жиноятни яширган шахслар ҳам жиний жавобгарликка тортилиши белгиланган. Бу ҳолат бир томондан жиноятнинг олдин оlish, жиноятчиларни ушлаш, уларни жиний жавобгарликка тортишда катта аҳамиятга эга бўлса, иккинчи томондан одамларни хушёрликка чорлайди.

Мана шунга асло ёддан чиқармасак ба!

О. СУЛТОНОВ,
Қўқон шаҳар прокурори,
адлия кичик маслаҳатчиси,

К. СУЛТОНОВА,
журналист

Жиноят ва жазо

ДЕВОР ОШИШ



БОСҚИНЧИЛАР

қўчада пойлоқчилик қиласизлар, - деди Вали. - Чунки у қўчада истикомат қилувчилар фақат сизларга таниш. Бирор нарсанинг миси чиқиб қолгудек бўлса, дароғ бизларни оғохлантирарлар. Фақат зийрак туринглр. Нима даромад қилсак, ўртада тенг бўлишамиз! Биргаликда баҳам кўрамиз!

- Қачон ишга киришамиз! - 26 апрел - яхши кун, - деди Мулланинг берган саволига жавоб қайтарар экан Вали. - Шу кун ишга киришамиз: унча машина, пичоқ, ниқоб, босқа зарур нарсалар тайёрлаб қўяман.

Вали гуруҳ аъзоларига белгиланган жойга ўз вақтида етиб келишни ўқитиб, уларга омад тилаган ҳолда ўй-уйларига кузатиб қўйди.

Белгиланган вақтда улар учрашди. - Ишларинг энгил кўчадагидан бўлди. Енгил машина, пичоқ ва ниқоблар тайёр, - деди Вали дўстларига. - Энди ишга киришсак ҳам бўлаверди. Бугун ярим тунда, соат иккиларда тер тўкиб ишлайдиган бўлдиларинг! Мамадали сен Рустам ва Анварлар билан бирга девор ошасан. Нозик ишларни фақат сизлар бажарасизлар, эгилсизлар!

Босқинчилар белгиланган вақтда нишондаги ўй - Б. Кенжабоев хонадонининг олдида пайдо бўлишди. Ҳамма ўз ишини амалга оширишга киришди. Кимдир девор ошди, кимдир қўриқчилик қилди. Хонадон соҳиблари ширин уйқудалиқлари учун тунги босқинчиларнинг шарпаларини сезмадилар. Ҳовлида бемалол сайр қилаётган ўғрил уйдагиларнинг ташқари билан алоқасини узиб қўйиш мақсадида телефон симини узиб қўйди. Ярақлаб турган НЕКСИЯ ва ТИКО энгил авто машиналарини деворда осиклик турган қалитларни Мулла олиб, унинг эшикларини очмоқчи бўлди, лекин оча олмади.

- Мулла, ишларинг битган бўлса бир ертўлага тушиб чиқайлик, - деди Мамадали унга. - Бойлар тўплаган бисотларнинг кўпроқ ана шу ерга беркитишади. Бизга ҳам аташгани бўлса керак.

Ҳамтовоқлар ертўлага тушиб, ҳамма ёқни титиб чиқдилар. Тарвузлари қўлтиқларидан тушган ўғрилар бошқа хоналарга ўтдилар. Тунги шарпаларнинг ана шундай югур-югур, қидир-қидир, ағдар-тўнтарларидан хонадон соҳиблари уйғониб кетишди. Улар ҳовли саҳнига қарашлари билан

хатоларингни тузатасизлар. Яна бугунгидай қовун тушириб қўймасаларинг бўлгани.

- Хўп бўлади, хўжайин.

Дўстлар дам олишлари учун уйларига тезроқ тарқалишди. Ўзларига келиб олган ҳамтовоқлар кейинги кунни яна Вали белгиланган жойга етиб боришга ошиқдилар. Уларни сабрсизлик билан кутаётган Валининг дилидан не ўйлар ўтмади: "Кеча қўриқиб кетишган бўлса бугун келишармикан? Ёки ўзлари туширган қовундан чўчишмикан! Балки келишмае! Барибир келишади! Чунки чўнтақларида химмирлар йўқ". Ана шундай ўйлар билан турганида бирдан ҳамтовоқларига қўзи тушиб, дили анча равшан тортиди.

Валининг иккиланшига сабаб бор эди. Чунки ишнинг пачаваси чиққандан кўриб кетган Мамадалининг кўнглидан: "Бизни тунда, сезиб қолишмадимикан? Изимиздан тушишмадимикан? Яна қамаб қўйишса-я?" - деган ўйлар ўтиб, кечаси ухлай олмаган эди.

Тонг отиши биланқоқ Мамадали ҳамтовоғи Абдужаббор Абдулаевнинг уйига ошиқди: дилини унга ёргиси, вазиятини аниқлагиси, об-ҳавони билгиси келди. Абдужаббор дўстини яхши кутиб олди. Мамадали унга синчковлик билан боқди: бўлганинг чечрасида ҳеч қандай ўзгариш дўстларини учун кўнгли таскин тоғди.

- Абдужаббор, тинчликми? Қўшнларинг сотмадимми? У ёққа югурмаяптими? - деган савол билан юзланди унга. - Бирор нарсанинг "миси" чиқмадимми?

- Ҳозирча тинчлик! Ҳеч гап йўқ. Мелисага ҳам хабар беришмади, - деди Абдужаббор Мамадалига тиржайиб. - Ишқилиб, бизларга тузоқ қўйишган бўлишмасин-да?

Уқасининг машинасини миниб олган Вали кўнглини ёзиб келиш ва дўстларидан бирров хабар олиш учун кўча сайрига чиқди. Йўл-йўлакай Мамадали ва Рустамларни олиб, бир чакқаклашиш учун уларни Учқўприк туманининг Қўқонга тутилган бўлган Ейилма қишлоғидаги чойхонасига олиб келади. Бироз суҳбатлашади.

- Дадил бўлиб олинглар. Сизларга бир "эрий"! Зора бугунги ишларимиз ўнгидан келса. Омадимиз юришса зўр бўларди! - дея ҳамтовоқларининг кўнглини кўтариш учун чўнтагидан пул чиқариб ташлади. - Мана сизларга, газак қилиб олсаларинг

ЭСЛАТМА: Бир болани машина билан уриб қочиб кетгандим. Лекин виждон азобидан қийналиб, охири уни излаб топдим. Азизжон менинг гуноҳим сабабли икки оёғидан айрилган экан...

Мен уларнинг оиласига ёрдам бердим. Азизжонни врачларга кўрсатдим. Уқатдим. Орадан йиллар ўтиб у менинг ягона қизимга кўёв бўлди.

Бироқ қуволарим бир пайтлар қилган гуноҳимни билишмасди. Уларга бу гуноҳимни оламдан ўтганимдан кейингина айтишни бир журналистга васият қилдим...

Б. САЙИД АЛИ

Мақолани ўқиб, ҳали тузалиб битмаган ярам яна янгилангандай бўлди. Бу хатни оналик меҳрим, юрагимдаги алам билан ёзмокдаман. Бу мудхш воқеа 1998 йил ёз ойида бўлиб ўтди. Менга кўнгирок қилиб, ўғлим Баҳромжонни машина уриб кетганини айтишди. Биз ҳужайини билан воқеа содир бўлган жойга қай аҳволда етиб келганимизни таърифлай олмайман. Етиб келганимизда урилган, яъни пачоги чиққан машина ва йирилган одамлар бор эди. Ўғлимни касалхонага олиб кетишган экан. Биз касалхонага келганимизда ўғлимни

ЯРАМ ЯНА ЯНГИЛАНДИ

рентген хонасида кўрдик. Унинг бир оёғи қоп-қора қонга беланган, ҳамма ёғи шилинган, бурнидан қон оқарди. Мен нима қилаётганимни билмасдим, лекин ўғлим уни машинасида уриб кетган одамга тегмаслигимизни, уни кечиршимизни, бу ҳаммаси худонинг иши эканлигини сўзлар эди. Кейин уни операция хонасига олиб кетишди. Тўғри, у одам ўғлимни уриб қочиб кетгани йўқ

дим. Операция 5-6 соат давом этди. Унинг бир оёғини кесиб ташлашди. Иккинчи оёғи синган экан. Шундай қилиб у бир ҳафта реанимация бўлимида ётди. Унга алоҳида палата беришди. Шифокорларга катта раҳмат, меҳрибонлик билан уни даволашди. Баҳромжонни машинасида уриб олган одам милиция ходими экан, ёш болалари бор экан. У ота-онаси билан уни келиб бизга: "Кейинчалик уни Германияга олиб бораман, протез оёқ қилиб келамиз, ўз ўғлимдек кўраман, тез-тез хабар олиб тураман, мен унинг олдида гуноҳқорман", - дер

деб ўйладим. Биз ўғлим билан келишиб уни кечирдик. Айбни ўғлим ўз бўйига олди. Албатта ўғлим катта савабга қолди. Лекин ҳақиқатан ҳалиги одам иши битиб сувдан қуруқ чиққандан кейин, умуман келмай қўйди. Ўғлим уйда ҳам анча қийналди. Лекин иродаси кучли бўлганлиги учун ҳар қандай қийинчиликни энгиб чиқишга ҳаракат қиларди ва ўзини соғлом одамлардек тутарди. Илоҳи борича мени хурсанд қилгиси келарди, шекилли. 2000 йил у Тошкентдаги олийгоҳлардан бирига талаба бўлди. Бу қувончли кун биз учун қутилмаган ҳол эди. У соғлом одамлардек оёғига протез тақиб, ўқишга қатнайди. Буни кўриб, бир томондан оёғи йўқлигига ачинсам, бир томондан Оллоҳга шукр қилардим. Ўғлимни бир умрга майиб қилиб қўйган ҳалиги ноинсоф одам эса номардлик қилди. Ҳеч бўлмаса ўқишга киргани билан табрикласан бўларди-ку. Хаттоки Ҳайит кунлари ҳам келмади. Ёлгон бўлмасин, менинг давъватим билан икки ярим йил ичида икки маротаба номига келиб кетди. Ахир биз ундан ҳеч нарсалаб қилаётганимиз йўқ-ку, Худо хоҳласа ҳаммаси яхши бўлиб

кетди, ўғлим бахтли бўлади, мен бунга ишонаман. Фақатгина у киши озгина бўлса ҳам ўғлимга меҳр кўрсатиши, бироз қўллаб-қувватлаши, вақти-вақти билан тўрттагина нон олиб, кўриб кетиши лозим эди-ку. Ахир мусулмон одам гуноҳқор бўлмаса ҳам, сабов учун ноиронлардан хабар олиб туради-ку. Балки мен нотўғри ўйлаётгандирман. Сизлар менга қандай маслаҳатлар берасизлар - азизларим. Дилга малҳам маслаҳатларингизни ўқиб, анча енгиллашаман деган умиддаман. Мен яна шунга айтмоқчиман: "Ҳурматли Пулатхон ака, сизнинг ҳам бошингиздан шундай ишлар ўтибди, лекин ҳозир ўғлингиз бахтли экан, мен шунга хурсандман. Оллоҳдан менинг ўғлим ҳам сизнинг ўғлингиздек бахтли бўлишини сўрайман. Қудангизни Оллоҳ раҳмат қилган бўлсин, дунёда шундай виждонли одамлар кўпайсин". Менинг ва ўғлимнинг бошига келган мусибатни душманимга ҳам тиламайман. Ўғлим газетани ўқиб, тушунлиқа тушмаслиги учун ўзимни кимлигимни сир тутдим, мени кечиринглар.

НОМАЪЛУМ АЁЛ

«Яхшилик ортидаги гуноҳ» — 39-сон, 2000 й.

- дарров ёрдам берган. Лекин бир оздан сўнг врачлар қичиб тезда ўғлимни операция қилиш кераклигини, оёғини кесиб ташламаса уни сақлаб қолиш қийин бўлишини айтишди. Шу пайтда менинг қалбимда бўлаётган галаёнинг бир тасаввур қилиб кўринг-чи. Ўғлимнинг кейинги ҳаёти нима бўлади, ёш йигит бир оёғи йўқлигини билса қай аҳволга тушади? Буларни ўйлаб тамом бўлдим. Лекин эндигина 17 баҳорни кўрган болам тирик қолиши мен учун зарур эди ва мен врачларга тилхат ёзиб бер-

эди. Ота-онаси ҳаж сафарларида бўлишган инсонлар экан. Ота-онасига, болаларига раҳим келиши уни кечиршига қарор қилдим. Лекин кўп одамлар: «Уни кечирманг, ахир ёш йигитни ноирон қилиб қўйди-ку, ўғлингизга кейинчалик қийин бўлади, ваъдаларига ишонманг, кейинчалик у сизларни унутиб юборади, "иши битиб, эшаги лойдан ўтиб олса", бўлди, дейишарди. Шу пайтда мен қандай йўл тутишни билмасдим, иродам бўшлиғиданми ёки мусулмончиликка тўғри келмайди, дебми уни кечиршим керак

БАХТИНГИЗНИ ҚЎЛДАН БЕРМАНГ

«Қай йўлни танлай?» — 13-сон

ЭСЛАТМА: Бир йигитни севардим, лекин унинг онаси ҳақида одамлар орасида ёмон гап юрарди. Дадам: «Ё уни де, ёки бизни. Агар ўша керак бўлса, уйни бўшат, у хонадонга сени ҳеч қачон тўй қилиб узатмайман», - дедилар.

О.

Ҳурматли синглим О. Севиш-севишли, кимгадир севимли ёр бўлиш ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди. Сизнинг изтиробли сўзларингизни ўқиб ўзимнинг аччиқ қисматим кўз ўнгимдан ўтди. Мен ҳам бир пайтлар бир йигитга кўнгил қўйиб уни қаттиқ севардим. Лекин ота-онанинг ройиши билан мажбуран бошқа йигитга турмушга чиқдим. Орадан 2 йил ўтмай қўлимда қизим билан ажралиб келдим. Ота-онам қилмишларига пушаймон. Лекин гишт қолипдан кўчган эди. Мен ҳалиям ўша йигитни унут олганим йўқ. Синглим, сизга маслаҳатим, ота-онангизга бир-бирларингизни севишингизни тушунтиринг.

Ахир бу ҳаёт сизники, турмуш қурган йигитингиз билан бир умр сиз яшайсиз, улар эмас. Ахир онаси хато қилган бўлса йигитда нима гуноҳ. Айби покиза қалб эгаси эканлиги, сизни севганими? Синглим, ҳаёт бешафкат, лекин яшаш керак, бахтли яшаш учун эса курашиш керак. Буни менга аччиқ қисматим ўргатди. Ота-оналар фарзандларини бахтли қўришни орзу қилишади-ю, лекин хоҳиш-истаклари туфайли болаларини ўз қўллари билан бахтсиз қилиб қўйишганини билишмайди. Синглим, мен аминманки, сизнинг ҳам ота-онангиз сизни бахтли кўриш орзусида. Сиз уларга яхшироқ тушунтиринг, ё уялсангиз яқин одамнинг орқали уларга етказинг. Улар албатта сизни тушунишади ва бахтингизга тўғаноқ бўлишмайди. Ахир уларда ҳам юрак бор-ку. Мен севган йигитингизга садоқатли ёр бўлишингизни истардим.

Бахтингизни қўлдан берманг. Сизга бахт тилаб опангиз,

Бухоро

ДИЛОРОМ

БАХТИНГИЗ ОЛДИНДА

«Сен ҳам мағрур эдинг» — 11-сон

Тоҳир ака, хафа бўлмангу, сизни айблашга мажбурман. Чунки йигит киши-сиз. Моҳира опанинг ҳам сизга кўнгли борлигини ўша пайт сезибсиз-ку.

Севгилингизга севгингизни ошкор қилишингиз керак эди. Балким йўқ демас эди. Албатта, тез орада совчи юбориб тўйни бошлаш керак эди.

Майли, ўтган ишга саловат. Тақдирга тан берингу олдинга интилиб яшанг. Энди ҳаётингиз давомини ўйланг.

Кўнглингиздаги қизни топа олманг бўлсангиз, ҳеч бўлмаса ота-онангизга ёққан қизга уйланг. Фақат кўнглимдаги битта нарсани очик айтишим кераки: «Ўттиздан ошмасдан тез уйланинг!» Кейин умуман қиз беришмайди. Ёшингиз катталги туфайли.

Менинг ҳам худди сизга ўхшаган бир таниш акам борлар. Ёшлари тахминан сиздай — 28-29 ларда. Ҳозиргача уйланганлари йўқ, У кишига ҳеч қайси қиз

ЭСЛАТМА: Моҳира исмли қизни севдим, аммо унга ўз муҳаббатимни ошкор қила олмадим. Тортиноқ-лигим туфайли ундан ажралиб қолдим. Моҳирани бошқага унаштириб қўйишибди.

ТОҲИР

ёқмайди, негидир. Уйланган ниятлари йўқ эмиш. Ахир сизлар йигитсизлар. Наҳотки бир сўзли бўлиб, «Шуни олиб берасизлар - бошқаси керак эмас», деб тузиб олмангизлар.

Ҳали олдинда Моҳира опадан ҳам яхшироқ қизларни учратасиз. Ҳеч ҳам эзилиб юрманг.

Тоҳир ака, яхши ниятлар, яхши тилаклар, яхши орзулар ҳамроҳингиз бўлсин.

Бухоро шахри

НИЛУФАР

КЎНГИЛ ЎКСИМАСИН ЭКАН

«Менга ҳақиқий дўст керак» — 12-сон

Гўзалхон, сизнинг мактубингизни ўқиб қўлимга қалам олдим. Менинг ёшим 20 да, ўтган йили ўқини битирдим. Мен ҳам ёшлигимдан ҳуқуқшунос бўлишни орзу қилардим. Бироқ, айрим сабабларга кўра ноирон бўлиб қолганман. Болалигимда бу нарсани унчалик билинмас, шу сабабли ота-онам шифокорларга кўрсатишга улардан хафа бўлардим. Қанчадан-қанча жойларга бориб даволанмадим дейсиз. Лекин негидир натижаси бўлмади.

Кейинчалик ота-онам мени Тошкентга олиб бориб бир йил давомида ортопедия илмий текшириш институтида даволатишди. Аввалгига нисбатан аҳолиим анча яхши. Буларим учун ортопедия илмий текшириш институти ходимларидан чекис миннатдорман.

Гўзалхон, сиз кўнглингизни ҳеч ҳам чўқтирманг. Оллоҳ ўз суйган бандасига дард берар экан ва бир кун келиб шифосини ҳам ато қилади. Илоҳим, ҳеч бир инсон ноирон бўлиб кўнгли ўксимасин, барчанинг хонадониди яхши кунлар, хур-

ЭСЛАТМА: Болалигимда бир укол сабабли ноирон бўлиб қолдим. Ул-гайганим сайин ўзимдан нафратланиб, ҳеч кимга қўшилгим келмай қолди. Чунки, ҳамма орқадан мени масхарагаётганга ўхшайди. Дугоналарим менинг бойлигим учун ўртоқ бўладилар. Мен эса кўнглимни тушунадиган ҳақиқий дўстим бўлишни орзу қиламан...

ГЎЗАЛ

сандчиликлар бўлсин. Сизни бахтингизга ота-онангиз соғ-саломат юришсин. Мен эса сиз билан яқиндан танишиш ниятидаман ва ишонаманки сиз билан яқин дугона бўлиб қоламиз. Манзилим таҳририятда. Гўзалхон, умид сизни ҳеч қачон тарк этмасин.

Д. БОЗОРБОВЕВА

Хоразм вилояти

СИЗГА АЙТАДИГАН СЎЗИМ БОР

«Энди ўша севгига лойиқманми?» — 12-сон

ЭСЛАТМА: 29 ёшга кириб икки марта уйландим. Рўзгорим эса ҳамона нотинч. Яна адашишни хоҳламайман. Адашиш менга қимматга тушган. Биринчи хотиним мен туфайли бахтсиз эканлиги учун виждоним қийноқда. Ундан кечирим сўраб, яна бирга турмуш кечиринчи устайман. Лекин бу ёқда иккинчи хотиним, фарзандим бор....

ФАРХОД

Ҳурматли Фарход ака, сиз: "Ахир хотини деб ота-онадан воз кечиб бўлмайди-ку", деб ёзибсиз. Йигит киши ўз севгилиси учун ҳамма нарсасига тайёр туриши, уни туҳмат ва ёмонлардан ҳимоя қилиши, ўз ёри учун жонини ҳам аямаслиги керак. Сиз эса қандайдир ноҳақ гап-сўзларни деб бахтли турмушингизнинг бузилишига ўзингиз сабаби бўлгансиз. Нега сиз уйингиздан чиқиб кетганингизда турмуш ўртоғингизнинг ҳоли не кечини ўйламадингиз? Сиз уни ҳимоя қилиш ўрнига ёрингизни ташлаб қочиб кетгансиз. Сиз

ота-онангиз уйини ёлғиз ўзингиз эмас, балки севгилингиз билан бирлигида тарк этишингиз лозим эди. Аммо, сиз буни кеч англабсиз.

Ҳамма ҳам ҳаёт деб аталмиш бу катта йўлда қоқилади, адашади. Сиз ҳам адашганлардансиз.

Ҳозир оилангиз, шириндан-шакар қизчангиз бор экан. Улардан асло воз кечманг. Турмуш ўртоғингиз билан тил топишиб, оилангизни бир пайтлардаги каби ёлгон ва бўҳтон гап-сўзлардан ҳимоя қилинг. Оилангизни мустаҳкамлашга ҳаракат қилинг. Келгуси фарзандларингизни эса ақли ва одобли, ботир ва мард қилиб тарбияланг. Бу билан сиз юртимизнинг гуллаб-яшнаши ва миллатининг раванки учун озми-кўпми ўз хиссангизни қўшган бўласиз. Сизга маслаҳатим шу. К. опага келсан, уларни барибир унута олмаслигингизни ёзибсиз. Ҳа, К.опа тобад сизнинг қалбингизда, хотирангизда бўладилар. Улардан кечирим сўранг. Аммо ҳаётингизни ўзгартиришга ҳаракат қилманг. Энди кеч...

Н. ЖАЛИЛОВА,

Чирчиқ индустриал техникумининг 1-курс талабаси

Кадрдон дўстимиз ШАВКАТЖОН!

Сизни 27-июн кўпи 28 ёшга тўғилганингиз муносабати билан ёни кўнглидан кўтлаймиз. Ўзини оғзу қилган барфа тилларинингиза ширининини, омад ҳаф қадаминингизда ёшма-ёш бўлишини тилаб қоламиз. Ота-онанингиз ва биз оғустларинингиз бахтига соғ-омон бўлиб, хамиша кашоримизни тўлдириб юришинингизни тилаймиз. Хайитинингиз ширин ва маъмурий бўлишини истаб оғустларинингиз -

Жаффар, Азамат, Жаҳонгир, Абдулазиз, Зайниддин

Олис Термиз шаҳридаги азиз ойижонимиз НАЗОКАТ!

Сизни таваққуф айёминингиз билан ёни дилдан кўтлаймиз. Бахтимингиза урғинингиз узок бўлиб, 4-мактабга фаёз кўришиб юрини.

Ўглингиз Бахтиёр, келинингиз ва набираларингиз

Хурматли дўстим КАРИМ ака!

Сизни 30 июн - таваққуф топан кўннинингиз билан ёни кўнглидан табриклаймиз! Сизга узок урғ, соғлиқ, юрғинингиза тиланок ўрғаниндек масоуа тўғилганингизда каттадан-катта муваффақиятлар тилаймиз.

Камолон маҳалласининг посбони Имомхўжа ўгли Масъудхўжа

Шайхонтохур туманидаги 320-ўрта мактаб томонидан 1983 йил 12 сентябрда туғилган **Каримова Нодира Фафуржоновнага** 18 июл 1998 йилда берилган **ОР-Д №457932** рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Европадан келтирилган кийимлар - "SECOND HAND" Мўлжал: Фарход бозори, 3-қатор, "Муборак ола" магазини. Нархлар арзонлаштирилган.

Тошкент шаҳар Хамза туманидаги 204-ўрта мактабдан **Акрамова Наргиса Алимовна** номига 1998 йилнинг июли ойда берилган **О'Р-А № 568055** рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«ВИРТЕХ-АГРО» Очқакциядорлик жамияти Американинг "Арбор-Айкрес" насли бройлер жўжаларини харидорларга таклиф этади. Бу жўжалар 6 ҳафта (42 кун ичида) 2 килограммгача семирдиб, 1,4 кг. майин ва ўта мазали парранда гўшти олиш имкониятини беради. Керакли мас-лаҳат ва методик қўлланмалар бепул берилади. Тел: 30-21-39 (факс), 133-41-90

Таъмирланган, 4 хонали, 8 сотих ери, ҳаммом, алоҳида ошхонаси бор, оқ тунукали, пишқик гиштан ишланган ўй сотилади. Манзил: Тошкент тумани, Олтин тепа бека-ти, Шухрат кўча 13-уйдан сўралсин. Телефон: **31-85-47** (эрталаб 8.00 дан - 12.00 гача) кеч-курун 7 дан 12 гача, Инобатхонни сўралсин.

ОИЛА-25

Тошкент шаҳрида яшовчи, 30 ёшли, аж-рашган, уй-жойли, яхши иш жойига эга, баланд бўйли, келишган йигит, 21-26 ёшгача бўлган оқила, гўзал, саранжом-саришта қиз билан (тошкентлик бўлсин) турмуш қуришни истайди.

Касалликларни янги, юқори сифатли, кафолатланган, 100 фоиз табиий (Франция) маҳсулотлар билан даволаш усулини таклиф этамиз.

- қандли диабет, бўқок; - инфаркт, инсульт ва операциядан кейин тез тикланиб олиш; - бронхиял астма, аллергия; - эркаклар муаммолари: простатит, жинсий ожизлик, бепуштлиқ; - ошқозон-ичакни сурункали касал-ликлари; - витилиго, псориаз;

Тел: 144-41-57

«Оила ва жамият» ўғитномаси

ТИК ҚАРАМАНГ ОТА КЎЗИГА

Насихатим сизга, эй ёшлар: Кўлок солинг ота сўзига. Танбех берса, чимирманг қошлар, Тик қараманг ота кўзига. Ўзи эмай едирган сизни, Ўзи киймай кийдирган ҳам у. Кеч қолсангиз, тотимай тузни, Кечалари кидирган ҳам у. Жойлаб олий ўқув юрғига, Орқангиздан юғурди боз-боз. Имитхондан йикилсангиз гар, Кўлтиқлашга улгурган киш, ёз. Уйлаб кўйди суяукли қизга, Данғиллама уй қуриб берди. Тушгунча деб бир қолип - изга, Рўзгорингиз гамини еди. От изини той босганидек, Миндингиз ҳам амал отига. Чинордай қад, савлат бор-у, лек, Ўхшамайсиз одам зотига. Ишни рўқач қилиб энди сиз, Отангиздан хабар олмайсиз. Кўзлари тўрт онанинг, эссиз, Ҳафта, ойда бир боролмайсиз. Шу умидда боққани ота, Қақшади-ку она бечора. Соцларида оқ орта-орта, Юраклари бўлди-ку пор... Насихатим сизга, эй ёшлар: Кўлок солинг ота сўзига. Танбех берса, чимирманг қошлар, Тик қараманг ота кўзига.

Тўлқин КОМИЛОВ

БИЛАСИЗМИ?

● Буюк Британияда қизикарли тадқиқот ўтказилди. Турли оғирликда туғилган болалар орасида оғирроқлари мактабда яхши ўқишар экан. Умуман бундай болалар юқори интеллектуал қобилиятга эга бўлар эканлар.

● Францида эркак ва аёлларнинг овқатга бўлган иштаҳалари илмий тадқиқ қилинди. Тадқиқот натижасида аёллар эркакларга нисбатан иштаҳалироқ эканлиги маълум бўлди. Айниқса аёл газаб отига минганида иштаҳаси "карна-й" бўлиб кетар экан. Эркаклар қувончи онлардагина иштаҳа билан овқат-ланар эканлар.

● Ҳар бешинчи одам 30 ёшдан сўнг ўйқусида хуррак отади, 65 ёшгача бўлганлар орасида ярмидан кўпи хуррак отади. Катталарнинг 2 фоизидан 5 фоизгача қисми хуррак отиб ухлаётган кайтида нафас олишдан тўхтайдди. Уйқуда ўлим билан тўхнашининг 30 фоизига хуррак сабаб бўлади.

● Гарвард медицина мактабининг шифокорлари ҳар 5 йилда онанинг ёши билан бирга туғилаётган чақалоқнинг босими ҳам бир ярим кўрсаткичга ор-тиб бораверишини аниқлашди. Бошқача қилиб айтганда 40 ёшли она фарзандининг систолик (юқори) босими 20 ёшли она фарзандига нисбатан 5-6 кўрсаткич юқори бўлар экан.

Нилуфар ЗОКИРОВА тайёрлади

«Холдин» компанияси раҳбарлик лавозимида ишлаш қобилияти бўлган, ташкилотчи қишларни ишга таклиф этади.

Тел: 144-41-57

«КАМОЛОТ-КОМПЮТЕР» БИЗНЕС МАКТАБИ

Қуйдаги ўқув курсларига таклиф қилади.

INTERNETга ўқитиш. **Икки ойлик курсларга:** Замоनावий бухгалтерия ҳисоби; Банк иши; Компьютерда ишлаш таълими (WINDOS 95, MS OFFISE 97, ЭЛЕКТРОН ПОЧТА); Дастурлаш тиллари.

Уч ойлик курсларга: Ҳисобчилар, компьютер таълими билан бирга; Инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун).

Тел: 41-33-96

Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилади. Манзилимиз: Тошкент. Навоий кўчаси-9, «Пищепром» лойиҳа институти биносининг 4-қавати. (ТРАСТБАНКнинг ёнида.)

Озиш, семирish, ажин, қабзият, хуснбузарлардан фориг бўлишга ёрдам берамиз. Телефон: 74-71-29.

«ЎКТАМХОН» ўқув маркази ўқишга таклиф этади

1. Бичиш-тиқиш - 3 ой; бошловчилар учун - 6 ой. Бунда сиз 100 дан ортиқ замоनावий либослар, костюм-шим, бешик усти жиҳозларини бичиш-тиқишни моделлаштиришни ўрганасиз.
 2. Ҳамширалик - 6 ой. 4 ой ўқиш, 2 ой амалиёт машғулоти утилади.
 3. Сартарошлик - 3 ой (амалиёт билан). Ўқишни тугатганларга диплом берилади.
 4. Массаж - 2 ой.
 5. Торт ва турли хил пишириқлар - 2 ой.
 6. Парда ва пкриваллар тиқиш - 1 ой (Замоनावий элита усулида, парда ва пкриваллар учун буюртмалар қабул қилади).
 7. Тўқувилик - 2-3 ой.
- Манзилимиз: Юнусобод тумани, 3-мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод бозори орқасида. Тел: 121-77-72 (кундузи), 125-46-27, 125-97-93 (кеч соат 17 дан кейин). Ўқиш июн ойидан бошланади.

Анджон вилояти Асака шаҳри

ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ

Навоийлик Дилдорахон шаҳардан қишлоққа келин бўлиб тушганилиги боис газетамиз саҳифасида чорва моллари парварishi хусусида мақола беришимизни сўраган. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги чорвачилик бошқармаси бошлиғи Юсуф ИБРОХИМОВ билан суҳбатимиз шу хусусда бўлди.

- Юсуф ака, қорамоллар парварishiда нимага эътибор бериш керак?

- Молларни парварishiлаш эътиборталаб иш. Унга ҳар куни 5-6 маҳал ем бериш, ўз вақтида сугуртиш керак.

Қорамоллар дағал озик-овқат, асосан, пичан, беда бериб боқилади. Сутли сигир боқётган киши йил давомида бир бош сигирга (кунига 8-10 л. сут берса) 2 тонна пичан, 3,5 т. сомон, 1 т. лавлага, 6-7 т. кўк ўт озуқасини тайёрлаши керак.

- Молга қочар келганини ёки бўғозлигини қандай аниқлаш мумкин?

- Қорамоллар ҳар 21-24 кунда қуйга келади. Қуйга жинсий ҳаётда юз берадиган ўзарши. Бу ҳол қўйларда ҳар 6 ойда куннинг кисқариши ва узайишига қараб юз беради. Қуйга келганда сигирда безовталаниш пайдо бўлиб, қаттиқ бўкиради. Сутти камаяди. Айнан мана шу даврда сигир қочар (буқа)га қўйилмаса, ундаги ўзарши сезилмайди. Қуйга тўхтаганидан молнинг қочганини билиш мумкин. Бу кунни молнинг эгаси ёдда

сақлаши лозим, орадан 3-4 ҳафта ўтгач (21-24 кун ичида) қуйга келмаса, демак мол бўғоз бўлган ҳисобланади.

Молнинг бўғозлигини ўнг томонини пайнаслаб билиш мумкин. Мол ва совлиқлар бўғоз даврида қорин ташлайди, елини катталашади, ҳаракатлари оғирлашади.

- Бузоқни неча ойликда сутдан чиқариш мумкин?

- Одатда, 305-310 кун давомида сигир соғилади. Сигир туққач, 45-60 кундан сўнг у яна қочиради. Шундагина сигирдан талаб қилинган маҳсулотни, қолаверса шу йилнинг ўзида яна бир бузоқ олиш мумкин. Бузоқни 3-4 ой эмизиб, сутдан ажратиб лозим. Шу давр ичида уни оз-оздан емга ҳам ўргатиб бериш зарур. Бузоқ ёнида хамиша озгина туз, пичан ва сув туриши керак.

- Қорамол соғлом ўсиши учун нима-ларга эътибор бериш керак?

- Қорамол соғлом ўсиши учун у доим тоза, ёруғ жойда боқилиши керак. Таги қуруқ (пол бўлса яна яхши) бўлиши, соғишдан аввал елинини илиқ сувда ювиш лозим. Белгиланган тартибга қўра, қорамолларни мунтазам ветеринар кўригидан ўтказиш, касалликлардан эмлаш тавсия этилади.

Суҳбатдош Ф. ТОҲИРОВА

ОТДАН ТУШСА ҲАМ...

Бир куни эрталаб буюм билан хонамининг ҳовлисига кириб кел-дой ичиб ўтирсак амаким ишдан келиб қолди. Негадир хомуш кўри-нарди.

- Онажон, бир туш кўрибман, кўнглим ғаш бўляпти, - деди у буюмга. - Тушим-да бир отни миниб тоққа чиқиб кетаётган эмишман. Бир жойга бориб қарасам анча жойда лойқа сув оқаяпти. Оқимда турли хас-чўплар оқиб келяпти. Шу лаҳза отим хуркиб мени устидан ағдариб қочиб кетди. Йиқилиб бурнин қонади. Кейин отимни излаб тоғнинг тепасига кўтарила бошладим. Анча юрдим. Қарасам отим олдимга келяпти. Яна уни миниб олдим. Ва иш-

хонамининг ҳовлисига кириб келдим... Кўнглим шунга ғаш... Амаким бир пиёла чой ичиб ишга отланди. Буюм амакимнинг кўнглини кўтарди: "Болам, ишингда ўзарши бўлса керак. Лекин кўнглинг чўқмасин. Ҳали катта бошлқ ҳам бўласан", - деди жимлайиб.

Шу куни амакимнинг ишхонасида нимадир бўлиб у муовинликдан оддий ходимликка ўтказилди. Бироқ... Сал ўтмай бошлиғи нафақага чиқди. Унинг ўрнига эса амаким раҳбар этиб тайинланди. Буюмининг ўшанда айтган гаплари тўғри чиқди.

Наргиза НОСИРХЎЖАЕВА

ЭЪЛОН!

Газетамиз орқали яқинларингизни ва танишларингизни туғилган кунлари, байрамлар билан табриклашни ёки эълонлар беришни истасангиз, табрик ёки эълон матнини хат орқали юборишингиз мумкин.

Бунда тартибимиз қуйидагича: Ҳар бир ҳарф учун 5 сўмдан, сурат учун 300 сўмдан ҳисоблаб, бизнинг ҳисоб рақамимизга почта орқали пул тўлайсиз. Тўланганлиги ҳақидаги квитанцияни табрик ёки эълон матнига қўшиб хат орқали бизга юборасиз. "Оила ва жамият" газетаси ҳисоб рақами: 2021000300117340001. ИМН: 201057610. Банк коди: 00400. Тошкент шаҳри, Сановат қурилиш банкнинг Шахристон бўлими. Эслатма: Матн ва квитанцияни почта орқали 15 кун олдин юборишни унутманг.

ТАҲРИРИЯТ

Мен Сурхондарё воҳасиданман. Оддийгина оилада туғилганман. Ота-онам далада меҳнат қилишади. Ақа-опаларим уйли-жойли бўлишган. Ҳозир уйдагилар мени уйлантиришмоқчи. Аммо... Шу ерга келганда ҳаттоки ёзишга қалам ҳам оҳлигим йўқ. Лекин ҳаммасини бир бошдан ёзмасам бўлмайди. Хуллас...

Биз Маҳмуд билан ёшлиқдан бирга ўсган дўстларимиз. Болалиқнинг энг шўх онларини, барча-барча шўхлиқларни кўчаларни чангитиб бирга ўтказганмиз. Мактабга ҳам бирга бордик. Ҳаттоки ўқитувчимиз бизни бир синфга - яна бир партага ўтказди. Биз учун қувончли кунлар бошланди. Ҳар куну бирга дарс тайёрлаб, мактабга бирга бориб бирга келардик. Йиллар ўтиб 8-синфга ўтдик. Бизнинг синфга Малика исми киз келди-ю... Ҳа, у қизни кўрдиму юрагим тез-тез уриб кетди. Уни бир кўришда севиб қолдим. Малика шўх киз бўлгани учун ҳаммамиз билан тил топишиб кетди. Хуллас мактабдан сира уйга қайтгим келмасди. Қани иложи бўлса дарслар кечгача давом этса. Маликани севиб қолганимни ҳатто яқин дўстимга ҳам айта олмадим. Чунки ёшлиқдан дилимдаги барча гапларни ичимда сақлаб юрадиган одатим бор. Маликани севиб қолганимни ўзига қандай айтишни билмасдим. Кечалари тушларимга кириб чиқади, агар бир кун кўрмасам туролмайман. Бир кун гапдан-гап чиқиб, дўстим Малика билан яқиндан танишиш нияти борлигини айтди. Мен ҳеч нарса демасдим. Балким менинг бу ишим энг катта хатоим бўлгандир. Дўстим Маликага севиғи изҳор қилди, лекин у рад жавобини қайтарди. Дўстимни уришишлари зое кетди. Малика кўнмади. Охириги бор гаплашганларида Малика севаган йигитим бор, дебди. Шунда дўстим: «Агар у йигитни топсам, тинч қўймайман», - деди ва синфдаги партани уриб синдириди.


Энди менга қийин бўлди. Маликани севаганимга сазовор бўлган йигит ким бўлдики? Наҳот уни йўқотиб қўйсам. Йўқ, балким ҳазил қилаётгандир. Тинчн ким йўқолди. Ҳаттоки кечалари ҳам йигит киши бўлсам-да йиғлаб чиқардим. Уртада соғлигим ёмонлашиб касалхонага тушдим. Барча синфдошларим кўргани келишди. Лекин улар орасида мен кутган Малика йўқ эди. Нега у келмади, нега? Наҳот уни соғинганимни сезмаса? Орадан икки кун ўтиб Малика хонамга кириб келди. Салом-алиқдан сўнг унинг ўзи гап бошлади: - Беход, сизга кўлдан бери бир гап айтмоқчи эдим. Мен киз боламан. Лекин бу гапларимни айтмасам бўлмайди. Қисқаса дўстингизга айтганим мен севаган йигит сиз бўласиз, - деб йиғлаб юборди. Уни анчагача йиғидан тўхтата олмай бошим қотди. Лекин ич-ичимдан хурсанд эдим. Хуллас биз кўп гаплашдик. Мен ҳам уни севиб қолганимни айтдим. Лекин бизнинг севагимиз сирли тарзда бўлди. Ҳаттоки дўстим ҳам

сезмай қолди. Бир куну Маҳмуд дарсда Маликадан физика дафтарини сўраб олди. Дафтар оққасида «Беход+Малика-севиғи», деган ёзувни кўриб қолди. Дарсда ўтирган жойимизда уришиб кетдик. Синфхонамиз дераза ойналари чилчил синди. Ўқитувчимиз бизларни ажратма олмай гаран бўлди. Сўнгра директоримиз келди ва дарс тугагач: «Икковнинг ҳам ота-онангни олиб кел», - деди. Уйдагиларимиз ҳам ҳайрон: «Ёшлиқда бир

кўрсам душманимни кўргандек бўламан. Агар мени ҳақиқий дўст деб билсанг у билан гаплашмайсан», - деди. Ва менга қасам ичирди. Мен учун бундан-да оғир зарба бўлмас керак. Наҳот етишма олмай юрган қизимга энди етишдим деганда ундан жудо бўлсам. Гаплашмай деган ичган қасамим, йигитлик гурурим йўқ киммасди. Шу билан 11-синфга ўтдик. Мен чидай олмадим ва Малика билан яширинча гаплашдим. Бечора киз шунча

эшитиб қолардим. Бир кун эрининг уйида бўлса, бир кун ўз уйида бўларди. Тўрт йил турмуш қуриб Малика фарзандли бўлмади. Кейин аниқ бўлишича куёв нарқобизнесга қўл урган экан. Докторларнинг фикри бўйича, ундан бола бўлмас экан. Маликани онаси қилган ишидан пушаймон бўлиб додвой қилди. Энди начора - қизини ўзи бахтсиз қилди. Малика жаҳл устида ҳатто йод ичиб касалхонада даволаниб ҳам чиқди. Куёв уни кўргани бормади. Маликани онаси уни уйига олиб кетди. Ҳозир Малика уйда. У билан гаплашдим. Фақат йиғлайди: «Менинг тақдирим куйди, энди менинг олдимга келманг. Бирор кизни севиб бир умр у билан бахтли бўлинг», - деди. «Эҳ, Маликам, ахир сендан осонликча айрилла

ДЎСТИМДАН ҲАМ, СЕВГАН ҚИЗИМДАН ҲАМ



қийналиб кетдики, унга минг бир азоблар берганим учун ўзимни ўзим сўқардим. Хуллас бизнинг севагимиз уйдагиларга етиб борди. Лекин Маликани онаси норози эди. «Бу йигитга бермайман, ота-онаси оддий оила, бизларга мос эмас», дебди. «Наҳот онажонлар, кизингиз бахти мол-мулк билан улчанса? Наҳот арзиманган пул эвазига кизингизни ёт кишига бериб юборсангиз?»

Мана мактабни ҳам битирдик. Битирув оқшомида у билан гаплашганимни Маҳмуд кўриб қолди ва мендан юз ўйгирди. Энди мен билан гаплашмай қўйди. Маҳмуд мактабни битирди-ю армияга кетиб қолди. Маликани онаси ўқишга юбормади. Келган совчиларнинг бирига розилик бериб юборди. Қанчалар бориб тушунтирмай онаси тушу-

олмаслигимни ўзинг билсан-ку...»

Бир кун овақтаниб ўтирарканмиз онам мени уйлантиришмоқчилигини айтди. «Мен уйланмайман. Агар уйлансам Маликага уйланаман», - дедим. Онажоним зор-зор йиғладилар.

— Ўғлим сени 21 йил қандай қийинчиликлар билан боққанимни билсанг эди. Ахир менинг ҳам орзу-ниятим бор. Остона ҳатлаб келин олишни ният қилган эдим. Ахир Малика турмуш қилган аёл. Уни сенга қандай олиб бераман. Қўни-қўшни, маҳалла нима дейди. Ўғлида бир айб бор экан-да, турмуш қилган қизни олиб берибди, дейишди. Эл оғзига элак тутиб бўлмайди. Шунга қараб хулоса чиқар, - деб йиғлаб чиқиб кетдилар.

АЙРИЛДИМ

кўрпада ётиб юрган дўстинг билан уришдингми?», - дейишди. Нима дейишга ҳам ҳайронман. Ота-оналаримиз мактабга келишди, директоримиз билан анча гаплашди. Синган нарсаларга пул тўлашди. Уйга боргандан кейин отам роса сўқдилар. Нима бўлганини сўрашди. Лекин мендан ҳеч қандай садо чиқмади. Эртаси куну дарсга бордим. Борсам дўстим дарсга кечикиб келди. Ўқитувчимизнинг «киринг» деган руҳсатини олган мен ўтирган партага эмас, бошқасига бориб ўтирди. «Дўстим нега ундай қилдинг, бир киз бола учун дўстлигимиздан воз кечдингми?» - дея дарсдан кейин у билан очикчасига гаплашдим. Сўнгра ундан кечирим сўрадим. Лекин у гапининг охирида: «Малика билан юрмайсан, ундан воз кеч, сени у билан

нишни хоҳламади. Маликани ўйлайвериб гаранг бўлиб қолдим. Тез орада ёр-ёр садолари остидан Маликани олиб кетишди. Тўйдан бир кун олдин учрашиб роса йиғлашдик. Мен ҳам ўзимни тўхта олмадим. Гўёки юрагимни бир парчасини йўқотиб қўйдим. Малика тўйига таклифнома берди. «Оҳ, севагим, менга бу таклифномани бергунча бошимга тўқмоқ билан урсанг яхши бўларди...» Аммо унинг тўйига бормадим. Тўй куну тушдан кейин негадир ҳаво бирдан айниб шаррос ёмғир қуйди. Бу ёмғир эмас, гўё менинг кўз ёшларим эди. Орадан йиллар ўтди, мен ўқишга кирдим. Ҳақиқини битирдим. Ажойиб бир касб эгаси бўлдим. Тақдир тақозоси билан Малика эри билан тўрт йил яшади. Ҳар куну уйда жанжал эканини дугоналаридан

Тўғри, онажоним тунарли бедор ўтказиб не бир орзу-ниятлар билан мени вояга етказган. Уларга ҳам қарши чиқиб бўлмайди. Лекин мен нима қилай ахир кўнглим Маликада бўлса, ундан бошқа киз билан ҳаётимни ҳеч тасаввур эта олмасам? Қийналиб кетдим. Икки ўт орасида қолдим. Дўстим Маҳмуд қилган ишидан пушаймон бўлиб олдимга кечирим сўраб келди. Жаҳл устида уни кечирмадим. «Сендай дўстдан воз кечдим», - дедим. Шундай қилиб дўстимдан ҳам, севаган қизимдан ҳам айрилдим. Тирик мурдага айландим қолдим. Мен қандай йўл тутишга ҳам ҳайронман. Агар оёқ тираб бўлса ҳам Маликани олсам, ота-онамни норози қиламан. Ота-онам айтган кички олсам, у билан яшаб кетишимга ҳеч кўзим етмайди.

Ҳозир уйдагиларим соғлигим ёмон бўлгани учун мени Тошкентга - қариндошларимизни уйига жўнатилган. Хурматли тахририят. Ушбу мактубим рўзномага чоп этилса, зора менга ўз маслаҳатларини берадиган азиз инсонлар чиқиб қолар, дея умид қиламан. Мен қайси йўлни танласам бахтли инсон бўламан? Лекин Маликадан ҳеч қачон воз кеча олмайман. То тирик эканман фақат ва фақат уни севаман. Менга маслаҳат беринг, азиз замондошларим...

Дили куйган укангиз
БЕҲЗОДЖОН
 Сурхондарё вилояти

ҚАЛБДА МУҲРЛАНГАН ЯХШИЛИК

Одатдагидек тушки тановулдан сўнг Амир Темур хийбонини айланиб юрарканман, шу атрофдаги ўриндикда ўтирган бир мўйсафид имо-ишора билан мени ёндағи бўш жойга тақлиф этди. Сўрашдик.

- Исмин Саттор, насабим Бекметов. Мени Саттор ака десангиз ҳам ихтиёрингиз, - деди у киши. Шундан сўнг ўз-ўзидан сўхбатимиз кўр олиб кетди. Менинг асосий касбимдан ташқари у-бу воқеаларни ёзиб табуотда қатнашиб туришимни эшитиб ҳамроҳимнинг чеҳраси ёришиб кетди.

- Мен сизга икки-уч йил илгари бошимдан кечан бир воқеани гапириб берсам сиз уни газетдада чикарсангиз. Зора қалб ташқакуримни ўша - бухоролик аёл ўқиб огоҳ бўлса,

деди у киши.

Шундай қилиб Саттор ота ўз дил ихзорини баён этди.

Саттор ота ёз фаслининг иссиқ кунлиридан бирида Хоразмдаги синглисини кўриб келаётганда, у ўтирган Урганч-Тошкент йўналиши бўйича қатнайдиган автобус ярим йўлда қутилмаганда бехосдан бузилди.

Йўловчилар шу тобда келиб қолган, Бухоро-Тошкент бўйича қатнайдиган автобусга чиқишга мажбур бўладилар. Автобусда йўловчилар тирбанд. Бошқа йўловчилар каби Саттор ота ҳам бир амаллаб зўр-базўр шу автобусга чиқади. Автобус салонидеги иссиқ дим ҳаво йўловчиларнинг юзларига бамисли тандир каби аланга уради. Қолаверса автобус йўлакчасида қайсидир йўловчининг жомадон, ким-

нингдир бўғчаси устма-уст қалашиб ётибди. Саттор отанинг ёшлари пайғамбар ёшига тенглашиб қолган эмасми, тирбандликка бардош бериб, ноҳуш кайфиятда кетаётган экан. Ён томондаги ўриндикда ўтирган, юзига ҳомиладорлик сепкили тошган, ёқимтой бир жувон дафъатан энгил қушдек ўридан туриб Саттор отага жой бўшатмоқчи бўлибди.

Лекин жувоннинг ҳолатини сезган Саттор ота узок йўл, манзил олислигини назарда тутиб, аввалига унга сидқидилдан миннатдорчилик билдирибди. Аммо бухороча шевада сўзлаётган сертакаллуп бу нотаниш жувон, ўридан туриб отанинг елкасидан тавоф қилгандек майин силаганча гапини ўтказишга ҳаракат қилади. Ниҳоят навбат билан

ўтириб кетишга ўзаро келишадилар.

Бироқ Саттор ота бир неча бор ўрнини бўшатиб беришига қарамай, то Тошкентга етиб келгунча қажон ўз жойига ўтиришдан бош тортиб, чамаси етти юз километр масофани тик турган ҳолда босиб ўтибди.

Саттор отанинг соддалигини қарангиз, ўша бухоролик жувоннинг исми Мастура эканлиги хотирасида элас-элас қолган, холос. Турар манзилини ҳам сўраб олманг.

Шундан буён Саттор ота қўчқўйда, ёки турли маросимларда бухоролик биродарларни ногаҳон учратиб қолгудек бўлса, албатта уларнинг сўхбатини олгиси, имконини топса бирор пиласа чой қўйиб бергиси келаркан. Агар тақлифига кўндиролса, уй-

га етаклаб баҳоли қудрат меҳмон қилишни ҳам қанда қилмаскан.

«Бирники мингга, мингники туманга», дейдилар. Қўриб турганингиздек, биргина Мастура-хоннинг ахлоқ-одоби бутун бир Бухоро ахлига нисбатан Саттор ота қалбидега чексиз миннатдорчилик хиссини уйғотган.

Дарвоқе, яна шуниси диққатга сазоворки, Саттор ота кенжа ўғлидан набириллик бўлганда қизалоқ исминини Мастура қўйишди.

Илоҳ, Мастуралар қалбидан ўзбекона меҳр-шафқат, андиша ва шарм-ҳаё, қатталарга хурмат, кичикларга иззат каби ибратли аёллик ибоси то абад аримасин...

Ҳолимирза МАТКАРИМОВ

БОЗОР ТОҒА НИМА ДЕЙДИ?

(Туркумдан)

Бир куни мактабдаги давоматни текширгани туман марказидан меҳмон келиб қолди. Бозор тоға меҳмонни мактаб директори Кўзибой Холиқовнинг хонасига бошлаб кираркан, меҳмонга директорни таништирган бўлди.

- Директоримиз Кўзибой, - деди Бозор тоға.

- Менинг исмим Кўчорбек, - деди меҳмон ўз навбатида директорга кўл чўзаркан.

Шунда Бозор тоға:

- Сизлар аввалдан таниш экансизлар, - деди ним тавассутом билан. - Мен бўлса таништириб ўтирибман...

Бозор тоға болалар боғчасига қоровул бўлиб юрган пайтлар эди. Тадбиркор Аҳмадбек шу боғчага хомийлик асосида йигирмата дедди Бозор тоға.

Бир куни Бозор тоға иккинчи челакини уйига олиб кетаётган эди, олдидан Аҳмадбек чиқиб қолди.

- Бозор тоға, челакини қаёққа олиб кетяпсиз? - деди киноя билан.

- Уйга, - деди Бозор тоға ҳам дабдурустан.

- Ахир, мен бу челақларни боғча учун олиб берганман-ку. Сиз бўлсангиз уйингизга олиб кетяпсиз?

Шунда Бозор тоға:

- Аҳмадбек, бизда ҳам бола кўп. Шундай экан, бизнинг ҳовли ҳам боғчадай гап-да, - деди ва йўлида давом этди.

(Боши ўтган сонларда.)

Йўқ, кўришим керак, майли мен ҳақимда нима деб ўйлашса ўйлашаверишин, хозир уларни уйига кириб у кишини ҳеч бўлмаса юзларига бир мартаба қарайман-у йиғлаб чиқиб келаман, деб эшикни очиб учун қўлимни очкичга юбордим, шу пайт қандайдир бир шарпами билмадим, ёки хаёлий эътиқодми бу йўлдан қайтарди.

"Сен қиз боласан, ўзингни қўлга ол, бундай дард-алам олдида мардонавор бўлишинг керак, ҳеч қачон ёнгилинг керак. Сен бир

Дилшод ҚҮЛДОШЕВ



МУҲАББАТ МАЛИКАСИ

мард аскар йигитнинг суюкли ёришан, шундай экан сен ҳам мард бўл, бундай алам, фироқ олдида бош эгма!" деб ички нидо мени қўлимни ушлаб қолди, йўқса...

Жасадни соат иккида олиб чиқаркан.

- Мени қабристонга олиб бориб ташланг, - дедим шофёрга.

- Гап йўқ синглим, - деди таксичи йигит. Машинасини ўт олдириб хайдаб кетди.

- Мен сизни муҳаббатингизга тан бердим, - деб менга бир қараб олди хайдовичи. - Сиз бу пок қалбингиз билан ҳали дунёда энг бахтли-саодатли келинчақ бўласиз. Ана ўшанда мени эслайсиз, сиз инсонни қадрлашни биларкансиз, демак ҳаётда ҳечам қўқилмайсиз. Аёл киши учун энг юксак мартаба ҳам ана шу - бахтли бўлиш, ўзига муносиб ёр топиш.

Афсус, энди мен ўзимга муносиб ёр топа олармиканман, бахтли келинчақ бўлиш насиб этармикан, севикли ёр-чи? Ҳеч қачон. Мен фақат ... акам билан бахтиёр яшашим мумкин эди, энди у киши йўқлар, демак мен бахтсиз бир кўғирчоққа айландим, танимда жоним бору қалбимда муҳаббат, севги меҳри йўқ.

Қабристон олдига тушиб қолиб соатимга қарадим, бир ярим бўлибди. Йўл четига қатор қилиб экилган тут дарахтини панасига ўтиб яна ... акамни эслаб хўнграб йиғлаб қолдим. Бир соатлар ўтиб кўчани тўлдириб тумонот одамлар билан лапанглаб қўлдан-қўлга ўтиб келаётган тобут кўринди. Хаёлимда худди ... акам тобут ичидан туриб мени излаётгандек туюлди. Кўзимдан эндигина ариган кўз ёш яна куйилиб келди, бўзимга нимадир тикилгандек бўлди.

Аёлларни қабристонга келиши ғуноҳ саналади дейишгани учун ўзимни одамларни кўзидан четга олдим. Кўз ўнгимда ... акамга жаноноза ўқиби уни кўмишди. Уша сонияларда ўзимни дод солиб фарёд қилишдан зўрга бор кучим билан ушлаб қолдим. Нақадар бешафқат қисмат, кечагина мени юпатиб, сочимни силаган, хизматдан келсам тўй қиламиз деб бахтли кунларимизни тасаввур қилган инсон бугун ўлган бўлса, ерга кўмилаётган бўлса, йўқ-йўқ, у кишини ҳаётдан кўз юмганларига сираям ишонгим келмайди. Нега бундай бўлди, нега? ... акамни бахтли бўлишга,

одамлардек бахтиёр яшашга ҳақки йўқмиди? Не-не орзу-хаваслари, эзгу-ниятлари бор эди-я, нахотки энди уларнинг ҳамма-хаммаси ўзи билан бирга тупроққа кўмилиб кетди. Инсон ўз эртасини ҳеч қачон башорат қилолмас экан, шунинг учун ҳам боболаримиз неки орзу-ният қилишса "Худо хоҳласа" деган буюк қалимани қўшиб айтишади. Мана - Худонинг хоҳламагани, мен шўрлик қизинг тақдирини, шўрпешоналигини аниқ бўлди. Беихтиёр ўша кунги, хайрлашни онлариданги суҳбат эсимга тушди.

"... Бир-биримизга хаёлан юпанч бўлишга ўрганасан яхши-да".

"Ҳа, ишқилиб бир умрга хаёлан армон бўлиб қолмасан бўлгани, мени кутасизми Наргиза?"

"Бир умр".

"Ундай деманг жоним, ўлган одамни бир умр кутадилар, ахир мен кўпи билан бир ярим йилдан кейин келаман-ку!"

Жасад кўмилиб дўмпайиб қолган қабрининг янги тупроғига тўрт-беш чўпни тикиб, олиб келинган тобутни тўнтариб қўйиши келганларнинг ҳаммаси жўнаб кетди. Бироз туриб дарахтлар панасидан чиқиб қабр томон юрдим. Қабр олдига келиб секин тиз чўкиб ҳали совуб улгурмаган тупроққа кўл тегиздим. Томоғимга нимадир тикилгандек бўлди, кўз ўнгимда ... акамнинг қулиб турган сиймоси гавдаланиб сўзлари қулоғим остида жаранглаб кетди. Дўмпайиб турган қабрни кучоқлаб ўқиб йиғлаб юбордим.

Қабр бошида қанча қолганимни эслолмайман, ўша кундан бошлаб тирик мурдага айланиб қолгандим. Оқшом чўққанда уйга кириб борганимни биланман, у ёғини эслолмайман. Эртаси кунни касалхонада кўзимни очдим. Аяжоним совуқ хабарни эшитиб қотиб қолди. Бундай нохушлиқдан ояжонимнинг юраги эзилиб кетганлигини ҳис этиб турардим. Ахир қайси она фарзанди бахтинини паймол бўлишини хоҳлайди, оналардек меҳр-муҳаббати дарё инсон йўқ бу дунёда. Фарзанднинг бахтли бўлиши волида учун ҳамма нарсадан устун туради. Шунинг учун ҳам мени бахтсизлик гирдобига фарқ бўлишим онаизоримни адои-тамом қилганиди.

(Давоми бор.)

ҚАЙРОҚИ ГАПЛАР

- Бир марта қопқонга тушган сичқон иккинчи бор қопқонга ақинлашмайди.
- Ота-оналар болаларига гапиришни ўргатишадиди, сўнг "гапирма!" деб зугум қилишадиди.
- Болаларнинг олдида ҳар нарса ҳақида гапирмаслик керак. Улар ҳамма нарсани билишади.
- Бошга синадиган нарса билан уриш керак эмас.
- Ухлаб ётганда хаёлни бошқа нарсалар билан чалғитмаслик керак.
- Бугунги тухум - эртанги товук.
- Гилос аввал терилади. Кейин ейилади.
- Супураверсак, ер юпкалашиб кетмайдими?
- Чўққидан олдин кичкириш керак.
- Тешик қулча иктисод қилинган ундан пиширилади.
- Туз овқатга солингандан кейин шакарга айланади.
- Одам ойнага қарамай кўйса, ўзини танимай қолади.
- Хурагимнинг дастидан

УЙҚУМДА ҲАЛОВАТ ЙЎҚ.

- Пашшадан фил ясаб анча бойиб қолди.
- Ўқитувчиларга мазза, билмаган нарсасини ўқувчилардан сўраб билади.
- Чумчуқдан кўрққан одам оч қолади.
- Сочни қирққан билан

БОЗОР ҚОНУНЛАРИ

- Икки ва ундан ортик кишининг бир сафда туриши навбат дейилади.
- Бир чўнтақдан иккинчи чўнтакка ўтган пулга айланма маблағ дейилади.
- Бирни иккига айлантирадиган одамга бизнесмен дейилади.



одам ақлли бўлиб қолмайди.

ЭЪЛОНЛАР:

ТАНЛОВ

Этиқдўзлар маданият саройида қарнайчилар ўртасида энг яхши сурнайчи кўрик-танловни бўлиб ўтади. Шахардаги барча қарнайчиларни таклиф қиламиз.

Ташкилий кўмита КОНЦЕРТ

Жиноятчилар учун Ички ишлар қошидаги мусиқа дастаси концерт беради. Чипталар сотилмоқда.

Ташкилий кўмита ТАКЛИФ

Шаҳримизда қад ростлаган янги театрга томоша-бинлар керак.


Маъмурият ХИЗМАТ

Ёндираимиз ва ўчираимиз. Тел.: 01.


ЧАРХЧИ

Ақлларни чархлаймиз. Ейилиб кетмаслигига қафолат берамиз.

- Чўнтагида пули бўлиб, Парижга боришга ҳаракат қилса - бу истак дейилади. Чўнтагида пули бўлмай, Парижга боришни истаса - бу орзу дейилади.
- Харидор билан сотувчининг фикри бир-бирига мос келишига эркин бозор дейилади.
- Битта ишга мослашган одамга тадбиркор дейилади.



Илҳом ЗОЙИР



ИЗ.

Билла ва жамият

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган кўл ёзма мазмун қилинмайди, муаллифларга қайтаришмайди, ёзма жавоб қилинмайди.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
 Бош муҳаррир ўринбосари: 133-04-35
 Котибият, хатлар: 34-25-46
 Табриқлар, эълонлар: 133-04-50

МАНЗИЛИМИЗ:
 Тошкент - 700000
 Амир Темури кўчаси,
 1-тор кўча, 2-уй.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
 Босишга топшириш вақти - 20.35
 Босишга топширишди
 Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - { якка обуначилар учун 176
 тақшилотлар учун 177

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.
 Буюртма Г - 2026. Формати А-3, ҳажми 2 босма тобоқ.
 Баҳоси эркин нарҳда.
 Саҳифаловчи — Жабфар ЖАББОРОВ.
 Рассом — Набижон ХОЛМУРАДОВ.
 Навбатчи - Муталлиф СОДИҚОВ.